



Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAViy-MA'RIFIY, IJTIMOiy GAZETA

2021-yil 6-avgust / № 32 (4639)

«ДАВРОН ЭЛИНИНГ ЖИСМИДА ЖОН...»

Куни кеча телевизорда Юртбошимизнинг Олмалик кон металлургия комбинатига ташрифи ва комбинатнинг 3-мис бойитиш фабрикасига тамал тоши қўйганлигини хаяжон билан кузатдим. Маълумотларга кўра, 2030 йилга бориб дунё миқёсида мис маҳсулотларига бўлган эhtiёж 40 фоизга ошар экан. Тошкент вилояти ҳудудидаги “Ёшлик-1” кони негизда қуриладиган 3-мис бойитиш фабрикаси ушбу йўналишда залворли қадам бўлиши шубҳасиз. Қиймати 2 миллиард доллар бўлган мазкур корхона дастлабки босқичда йилга 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга.

Келгусида эса комбинат ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳажми уч баробардан ошиб, қиймати эса ҳозирги 2,5 миллиард доллардан қарийб 8 миллиард долларга етади. Мухими, бу ерда ўн бир мингта янги, юқори малакали ишчи ўринлари яратилади. Албатта, бундай хайрли янгиликларни эшитиб гурунланмай бўладими?! Жонажон мамлакатимизда гигант корхоналарнинг тез-тез ишга тушириладиганини бутун бир замонавий шахарлар, шаҳарчаларнинг киска муддатда бунёд этиладигани кейинги тўрт-беш йилда одатдаги воқеаликка айланди.

Мамлакатнинг бир фуқароси сифатида айни кунда юртимизда жадал кечаётган улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб, очиги, кўнгил гурурга тўлади. Шу ўринда бундан тўрт-беш йил аввалги вазиятни яна бир кўз олдимиизга келтирсак: одамлар ўз муаммоларини

ёки кўпдан бери ташвишлантираётган гапларини бировга айтиш тугул, хатто ўйлашга ҳам ҳайкардди. Гўё ҳамма ишларимиз “аъло” даражада, ҳеч қандай муаммо йўқдек, фақат қўлга киритиладиган ютуқлар, муваффақиятлар ҳақида гапирардик. Лекин нафсиламбирини айтганда, оддий халқ турмушининг фаровонлиги, одамларнинг иш билан бандлик, кундалик муаммолари анча орқага сурилиб қолганди. Халқнинг турмуши ва уй-жойи, яшаш шароитлари, умуман, орзу-ниятлари ва дардлари ҳақида-ку гапирмасак ҳам бўлади. Ўша пайтларда, очиги, халқ билан раҳбарият ўртасида маълум даражада узилиш юзага келгани ҳам рост.

Бундай вазиятда улуғ шоиримиз Чўлпон айтганидек, халқ ичига кириб бориш керак эди. Кириб борганда ҳам, давлатнинг энг юқори поғоналаридан тортиб, қуйи поғоналаригача халқнинг



дардини тинглаш, муаммоларини бар-тараф этиш масалаларига ургу берилди. Халқ қабулхоналари, Президент порталларига минг-минглаб мурожаатлар, шикоятлар ёғилди. Шу аснода турли соҳалардаги, инсонлар ҳаётидаги талай мушкулотлар ўз ижобий ечимини топди.


Йиллар мобайнида чекка ҳудудларда юз берган электр таъминотидаги узилишлардан ҳаммамиз хабардор эдик. Бундай ҳол, айниқса, қиш кунларида кўпаяр, одамлар бундан қийналарди. Кейинги тўрт-беш йилда бундай муаммо ҳақида деярли эшитмадик. Ўқитувчиларни мактабдан ташқари турли ишларга жалб этиш ёки оддий пластик картадан пул ечиш, банкда долларни алмаштириш, тadbиркорликни йўлга қўйиш, институтларга ўқишга кириш — булар барчаси ўз вақтида тоғдай муаммо бўлгани сир эмас.

► 2



Адиб Ўткир Ҳошимов таваллудинини 80 йиллиги

ЎТКИР ҲОШИМОВ АСАРЛАРИ ТУРК ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ



2020 йил 2 декабрь куни Президентнинг “Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинган эди. Ушбу ҳужжатда ўзбек адабиёти ва маданияти тарқатилиши, унутилмас ҳисса қўшган атоқли адиб ва жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ижодий меросининг ёш авлодини Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умминсоний қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамияти таъкидланиб, адиб таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тadbирлар режасида адибнинг қораллоқ, рус ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинган асарларини нашрга тайёрлаш ва чоп қилиш ҳам белгилаб қўйилган эди.

Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тadbирларни амалга ошириш йўлида бугун Тошкент давлат шарқшунослик университетида ҳам бир қатор ишлар қилиняпти.

Университетнинг “Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедраси доценти, таржимон Хайрулла Ҳамидов ва унинг шоғирдлари томонидан адибнинг бир қанча машҳур ҳикоялари ва асарларидан парчалар турк тилига ўғирилди. Бу асарлар “Ötkir Hasimov. Seçme Hikâyeler” (“Ўткир Ҳошимов. Танланган ҳикоялар”) номи остида чоп этилди. Китобга университет ректори Г.Рихсиева сўзбоши ёзган.

Университетда устоз-шоғирд аънаси асосида амалга ошириладиган ижодий ишлар макташга аргизгулик. Китобга Хайрулла Ҳамидов шоғирдларининг таржималари ҳам саралаб олингани бунинг яққол исботидир. Хусусан, мохир сўз устасининг “Янга”, “Тасодиф”, “Урушнинг сўнгги қурбони”, “Бахт”, “Ғаройиб саёҳат” ва бошқа ҳикоялари, шунингдек, машҳур “Дунёнинг ишлари” ва “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” номли асарларидан парчалар, адиб асарларида ботбот қўлланилган пурмаъно ҳикматли сўзларнинг туркча таржималари ўрин олган.

Ушбу китоб Тошкент давлат шарқшунослик университети ижодий жамоасининг адиб таваллудининг 80 йиллигига муносиб тухфаси бўлади, деб умид қиламиз.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби Ўткир Ҳошимов 1941 йилнинг 5 августида Тошкент шаҳрида таваллуд топган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Аxbорот хизмати

МУНОСАБАТ

Оила — авлодлар давомийлиги, умуммиллий ва умумбашарий қадриятлар бешиги сифатида неча минг йиллардан бери инсоният ҳаётининг мустахкам пойдевори ҳисобланади. Одамзод ҳаёт-мамотиғина эмас, балки бутун тамаддун тақдирини хал қилувчи энг муҳим омил ҳам оиладир. Оила бир неча шахслардан таркиб топган мўъжаз жамоа бўлгани билан, ўздан бошқа кўплаб оилаларни вужудга келтирадиган абадий манба ҳамдир.

Халқимизнинг улуғ қадрияти сифатида оилада миллатимизнинг энг яхши урф-одат, аънава ва ҳислатлари шаклланади. Бу тажриба неча минг йиллардан буён тадрижий тараккиёт йўлини босиб ўтган. Йигирма биринчи аср, айниқса, кейинги интернет-аxbорот инқилоблари кўплаб қадриятларни кунпаякун қилиб ташлади. Одамларнинг ҳаёт, оила, ишонч борасидаги тушунчалари тубдан ўзгариб кетди. Бугун қай бир масала кўтарилмасин, унга тарафдор ёки унга тиш-тирноғи билан қаршилар тап-тайёр. Ҳар ким ўз фикрини билдириши маъносидда бу бир жихатдан яхши. Аммо...

Бизни бугун кўпроқ муаммо ва масалаларнинг туб маъзига етмай,

ОАВ ва ижтимоий тармоқларда миллат менталитети, ота-болалар, қайнона-келиндар масалаларига керагидан ортик ургу берилаёт-

АГАР ҚИЙШИҚ БЎЛСА ПОЙДЕВОР..

гани таажжублантиради. Чиндан ҳам, дунё турли иқтисодий муаммолар, ковид ва бошқа фалокатлар гирдобиди бўғилаётган бир замонда маиший ҳаётда минг марта чайналган эр-хотин ёки қайнона-келин мавзуси яна ва яна кун тартибига чиқмоқда. Энг ёмони,

сўнгги вақтларда ижтимоий тармок фойдаланувчилари орасидаги айрим зиёлилар кундалик ҳаётда учраб турадиган оилавий муаммоларни рўқач қилиб, “ҳаммасига ўз ақидаларимиз, менталитетимиз айбдор” дейишгача бориб етаётир. Ўзини шу масалаларда ҳакам санаётган айрим блогер ёки журналистлар жанжаллашган қайнона-келин, эр-хотинни бир-бирига қарши қайраб, “ажрашинг”, “ундок қилинг”, “бундок қилинг”, деб азалий қадриятлару миллий одоб-ахлоқ меъёрларига зид тарғибот ҳам олиб боришмоқда. Ваҳолаки, суриштириб келсангиз, бу гап муаллифининг ўзи умрида қайнонанинг кў-

Оилавий жанжаллар чиндан кўп учрайди, аммо бунинг сабаби нима? Бизнингча, бугунги қийинчиликлар, турли ижтимоий-иқтисодий етишмовчиликлар кўплаб оилалардаги келишмовчилик, низоларнинг асосий сабаби бўлиб қолаётир. Оилада моддий-маънавий муҳит, тарбия яхши бўлса, ҳамма ўз иши ва ўрнини билса, ҳеч қандай эр-хотин ёки қайнона-келин можаросига ўрин қолмайди. Ҳеч қандай фарзанд ота-онасини қариялар уйига элтиб қўймайди, ҳеч ким ўз боласини сотишга уринмайди. Аёлларнинг ўз эри ё қайнонасини, ёки аксинча, эркакларнинг ўз хотинини пичоклаб қўйиш ҳоллари юз бермайди. Албатта, моддий фаровонлик ва маънавий хотиржамлик ҳолати ҳам ўз-ўздан келмайди, бу ҳам инсонларнинг ўзига боғлиқ. Биз бугун хусусий ҳолатдан умумий ҳолатга қараб, фаровонликка интилаймиз, одамларни касбга ўргатиш, иш билан, уй-жой билан таъминлаш ҳар доимгидай муҳим масала бўлиб қолаётир. Асосийси, бунга давлат ва жамиятнинг бугунги эътибори ниҳоятда юқори бўлмоқдаки, бу албатта, шоён таҳсинга лойик.

► 2

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ҳаёт бўлганида бу йил 80 ёшини қаршилаган бўларди. 5 август — адиб таваллуд топган кун муносабати билан ёзувчининг оила аъзолари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси, бир гуруҳ адиблар, адабиётшунослар ва ёш ижодкорлар адиб дафн этилган Қозиробод қабристониди бўлишди. Ёзувчи қабрига гуллар қўйилиб, Қуръон тиловат қилинди. Адиб билан боғлиқ ёрқин хотиралар эсга олинди.

Зоминдаги Навоий кон-металлургия комбинати сана-

торийсида Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид ва Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенесбай Каримов ҳамда бир гуруҳ таникли олим, шоир ва ёзувчиларнинг дилтортар суҳбатлари ҳамда жозибали шеърлари тadbир иштирокчиларида яхши таассурот қолдирди.

Ижодий кеча дилрабо қуйқўшиқларга уланиб кетди.



ТОКУО 2020



Ғалаба нима у?

Бировнинг кўксин қонатиб

вайрон қилмоқ эмас дил айвонини.

Ё омон бошига тошлар қулатиб,

парчалаб ташлашмас устихонини.

Аччиқ ёш қалқитиб маънос қўзларда

Нозик билакларни қайирмоқ эмас.

Э вох, юрагига теккан дайди ўқ,

онани биладан айирмоқ эмас!

Вайрон қилмоқ эмас қўчаларини,

уйларини бузмоқ — ғалаба эмас.

Хатарга тўлдириб кечаларини

жонларини узмоқ — ғалаба эмас.

ҒАЛАБА

Номардлар, нодонлар

қингир йўл билан

Токайгача топгай пинхона зафар?!

Бировнинг боғини ўзга қўл билан

пайхон этганларга бегона — зафар!

Ғалаба — Майдонда ракибин йикитиб сўнгга Кифтига ўзбекча қоқиб қўймоқлик. Улкан зафар қучиб, Олтин нишонини Ватаниннг кўксига тақиб қўймоқлик!

Етмиш томиримда оксин деб ҳузур Сўнгга йиғламоқлик севинчдан қалқиб... Сенга ғалабалар келтирган нодир, Ғолиб фарзандларнинг шарафла, Халким!

Фахридин ХАЙИТ

«ДАВРОН ЭЛИНИНГ ЖИСМИДА ЖОН...»

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Назаримда, улар шунчалик кўп ва чигаллашиб кетган эдики, дабдурустан ечишининг умуман иложи йўқдай туюларди. Қаранг, иложини топса бўларкан. Бугун энг чекка кишлокларимиз ҳам электр зиёси-дан бахраманд. Бугун, марҳамат, исталган банкдан хоҳлаганча пул алмаштиришингиз ёки банкомат-дан картангиздаги пулни бемалол ечиб олишингиз мумкин. Бугун исталган табиркор ўз қорхонасини йўлга қўйиб, аҳоли учун керакли маҳсулотни ишлаб чиқармоқда. Энди устоз — ўқитувчини мактабдан ташқари ишларга жалб этиб кўринг-чи! Бугун ҳу-нари бор ёки ишини яхши билган одамга иш бор. Мактабни тугатган ёшлар бир пайтининг ўзида бир неча институтларга хужжат топшириб, хоҳлагани-га кириб ўқияпти. Хуллас, ҳаммасига чора топса бўларкан.

Уй-жой муаммоси ҳам мамлакатимиздаги энг оғрикли муаммолардан бири эди. Йилига мамлака-тимиз аҳолиси сони ўртача 600 минг нафарга ўсиб бораётганини эътиборга олсак, бу чиндан ҳам катта масала. Аниқроғи, бу ракам камида ик-кита йирик туман аҳолиси сонига тенг. Албатта, ёш авлодни ўқитиш, тарбия-лаш, иш билан, айниқса, уй-жой би-лан таъминлаш тез ва пухта ўйланган саъй-ҳаракатни талаб қиларди. Қаранг, шундай масалани ечишнинг ҳам иложи бор экан-эй.

Кўримсиз, алмисокдан қолган имо-ратлар бузиб ташланди. Юртимиз пой-тахти — Тошкентдан бошлаб барча катта шаҳарлар, туман марказларида кўп қаватли замонавий уйлар қурила бошланди. Ҳозир Термиз, Наманган ва Қарши шаҳарларига борсангиз, гўзал-лигидан дол қоласиз.

Минг-минглаб кам таъминланган, кўп йиллардан бери бир уйда, бир хов-ли-жойда тикилиб истикомат қилаёт-ган оилаларга имтиёзли кредитлар асо-сида алоҳида уйлар берила бошланди. Хайрли ишининг кечи йўқ, дейдилар, зеро мана шу ташаббус шарофати билан қанча юрт-дошларимиз уйли-жойли бўлди, ёшлар, курувчилар ишли бўлди ва яна бир муҳим жиҳати, шаҳарлари-миз кўёфаси тубдан ўзгарди.

Менга айримларнинг: “Бизларда ҳаммаси зўр, бошқа юртларда ҳаммаси чаток, халки хароб”, де-ганга ўхшаш гаплари ёки бўлмаса: “Мана, бизларда тинчлик-хотиржамлик, бошқа жойларда эса уруш”, деганга ўхшаш гаплари ўта сийқаси чиққан гапдек туюлади. Биз ҳеч қачон яшаш шароити оғир, тур-муш даражаси паст минтақа халқларининг ахво-лини назарда тутиб, ўзимизга тасалли бериб юр-маслигимиз керак. Биз, албатта, бирни кўриб фикр қилган, мингни кўриб шукр қилган ҳолда, факат ва факат юксак тараққиётга эришган давлатлар ва халқларга ҳавас қилишимиз, улардан андоза оли-шимиз керак.

Чирчиқ шаҳри “Шодлик” маҳалласида истико-мат қилиб келаётган Рустам Игамуротовлар оила-



Автомобиллар ва пойдеворларнинг қурилиши. Рустам Игамуротовлар оила-

кўшимча тиббиёт ускуналари ва замонавий “тез ёрдам” машиналари харид қилинди. Бунинг нати-жасида минглаб беморлар тезда шифо топиб, оила-си бағрига қайтди. Илк кунларданок аҳолини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган-ларга хайр-саховат кўрсатиш, маҳаллаларда “те-мир дафтар”ларни шакллантириш каби олижаноб ташаббуслар қанот ёзди. Халқимиз бу оғир синов-нинг илк босқичидан ҳам йўқотиш билан ўтгани-дан ҳаммамиз хабардормиз.

Аммо бу бало хали бутунлай бартараф этилгани йўқ. Айрим мутахассислар бу офат хали ўн йиллар мобайнида давом этишини айтмоқда. Мамлақати-миз раҳбарининг куни кеча жорий йил биринчи ярмида иқтисодий натижалар таҳлили ҳамда йил якунига қадар барқарор иқтисодий ўсишни таъ-минлаш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишлан-ган видеосессияда бу масалага ҳам тўхталиб ўтди. Дарҳақиқат, бу офатнинг қўлами

жуда катта, ҳозирга қадар бу касалликдан жаҳон бўйича 4,2 миллион нафар инсон вафот этди. Ўз-бекистонда ҳам жорий йил июнь ойининг иккинчи ярми ва июль ойда касалланиш кўрсаткичлари ўсиб, кунлик янги касалланиш ҳолатлари ўртача 700-800 тани, пневмония 450-500 тани ташкил эта-тир.

Айни кунларда пандемиядан имкон қадар йўқотишларсиз ўтиш ва унинг кейинги тўлқинла-рига йўл қўймаслик учун фуқаролардан, аввало, жорий этилаётган тартибларни бузмаслик, сани-тария-гигена қоидаларига қатъий риоя этиш талаб этилади. Аммо энг муҳим шарт — вакцинация ҳисобланади. Фуқароларимиз вакцинани қанча тез қабул қилса, аввало, ўзлари, қолаверса, барча яқинлари, хизматдошлари ва оила аъзолари соғли-гини асраган бўлади. Бугунги кунга қадар мамла-катимизга тўрт турдаги 13 миллион доза вакцина олиб келинди.

Улуғ бобомиз Алишер Навоий бир гўзал битикла-рида:

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил,
Ҳам жонларига мояи дармон бўлгил —

дейди. Бугун теварак-агрофимиздаги ўзгаришлар, эзгу ишларни кўриб жа-мийятнинг бутун саъй-ҳаракати даврон элининг жонига мояи дармон бўлиш-га қаратилган, десак хато бўлмайди. Зеро, оилани қўллаб-қувватлаш, кам-бағаллиқни тугатиш ёки коррупция-га барҳам бериш ва бошқа кўплаб ҳаракатларнинг моҳияти ҳам ҳаёти-мизни юксалтиришга қаратилгандир. Ўзбекистонда қисқа фурсатда қандай ўзгаришлар юз берганини халқимиз, бутун дунё очик-ойдин кўриб туриб-ди. Керак бўлса, камчилик ва ҳатола-римизни ҳам ўзимиз рўй-рост айтаяп-миз.

Ҳаётнинг паст-баландига назар ташлаганда беҳтиёр, инсон қачон бахтли яшайди, деган савол қаршиси-да ўйланиб қоламиз. Зотан, бу савол ҳамма замонларда ҳам инсониятни

ўйлантириб келган. Ҳар бир одам рисоладагидек оила курси, болаларини тарбияласа, уй-жойли бўлса, ишласа, қандай яхши! Бизда бугун айни шундай муҳит бор, энг асосийси, элдошларимиз баҳамжихат ва тинчликда юрт равақи йўлида си-дқидилдан ҳаракат қилишмоқда. Эзгу орзу-ният, эртанги кундан умид юртимизнинг янги тараққи-ёт поғоналарига кўтарилишида муҳим омил бўл-моқда. Зотан, мамлакатимиз раҳбари катта ишонч билан таъкидлагани каби “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистон-да янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс дав-рига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўз-бекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”.

Абдумажид АЗИМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

МУЛОҲАЗА

Кейинги пайтларда оммавий тадбирларга бошловчи то-пиш муаммога айланмоқда. Гўё телеканалларда бошлов-чилар сероб, театрларда чиройли, келишган актёрлар кўп. Уларнинг орасида бу ишга иштиёқмандлари ҳам етарлича. Аммо керак пайтда уларни саҳнада кўрмаймиз. Чунки ким эпласа бошловчи бўла олади, деган гаплар бугунги кунга тўғри келмай қолди.

БУГУНГИ КУН БОШЛОВЧИСИ қандай бўлиши керак?

Теле, радио эфирда, саҳнада кўр-сатувни ёки тадбирни олиб бораёт-ган бошловчининг олтига унлини ногўғри талаффуз этаётгани томо-шабинларни камдан-кам қизиқти-ради ё безовта қилади. Аммо унинг сўзларида маъно борми ёки йўқми, кўтарилган мавзу ё муаммони била-дими, билмайдими — қузатиб, эши-тиб ўтираверадилар. Бошловчининг қай даражада шу ишга лаёқатли ёки лаёқатсизлигини, умуман, бошлов-чининг салоҳияти бор-йўқлигини бир кўргандаёқ билиш мумкин. Ўзи-ни, вақтини кадрлайдиган томоша-бин ё эшитувчи, кейинги сафар ўша бошловчи кўриниши билан ё хур-санд бўлади ёки ўша бахоти бошқа каналга ўтиб кета қолади...

Бугун ТВ экраниди кўрилиб, ўзи-ни кўз-кўз қилишга ишқибоз бош-ловчилар кўпайди. Уларнинг акса-рияти — ёшлар. Очигини айтганда, ўзбек тили ва адабиёт фанларидан бир амаллаб баҳо олган ва табиий-ки, газета-журнал ёки нашриётларда ишлай олмайдиган “мутахассислар” “ойнаи жаҳон” ва радиога ишга жой-лашиб олса керак, деган тасаввур пайдо бўлади. Чунки бу даргоҳлар-да матн ёзиш шарт эмас, экранда чи-ройли кўринса, тили билдириб турса — “номери ўтаверади”-да! Аслида яхшилаб ўрганилса, бошловчилар-нинг кўпчилиги журналистика, фи-лология, театр санъатидан узокроқ соҳалардан келишади. Улар гапира-ётган гапи аслида қандай маънони англатишини билмайди. Бу куруқ гаплар эмас, қуйида бунга мисоллар келтирамиз.

Мухлислар меҳрини қозониш учун кўп ўқиш, одамлар жон қу-лоғи билан эшитадиган таъсирчан сўзларни топиб гапириш керак. Бу-ларни эса биз китоблардан оламиз. Демак, бошловчиликнинг илк шар-ти — кўп китоб ўқишдан иборат.

Айрим бошловчилар эшитган-ларини қайтараверади. Агар улар тўтиқушга тақлид қилмасдан ки-тоб ва лугатларни тез-тез варақлаб турганида эди, сўз ва ибораларни бир-биридан ажратиб, маъно ва ман-тиқ ипига тизиб гапирардилар. Ма-салан, бир бошловчи: “Бу одамнинг етти мучаси соғ” дейди. Яна битта-си: “Тўрт мучали соппа-соғ одам”, деб талаффуз қилади. Учинчиси бўлса: “Тўрт мужжаси бутун йи-гит” деб гапирди. Ахир, муча — бу инсоннинг тана аъзоси — қўл, оёқ,

кўз ва қулоқ (тўрт муча, тўрт жуфт аъзо). Мучал — қадимги йил саноғи. “Мужжа” эса асли мижжа дегани. Яъни киприк. “Туни билан мижжа қокмади” деган гапдаги сингари ишлатилади... Бошловчилик нонини еяётганлар буларни аниқ фарқлаши, билиб гапириши керак.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов: “Бошловчиларимиз “лут-фан” сўзини ногўғри ва ноўрин ишлатишади”, деса, Омонулла Ма-даев домла: “Бошловчиларингиз нимага “бежизга” деб гапиришади? “га” қўшимчасига нима бор? Од-дий қилиб бежиз, деб қўяқолишса бўлмайdimи?” деб қуонишар эди. Дарҳақиқат, илмсиз бошловчилар-ни кўриб-эшитиб турган кўпчилик зиёлиларимиз ана шундай аҳволга тугтадилар. Миллий театрда фаоли-ят юритган Ўзбекистон халқ артисти Амин Турдиев репетиция пайтлари-да актёрлар сўзларни ногўғри талаф-фуз қилишса: “Вой-дод, булар мени, албатта, ўлдиришади!” деб фйгон қилар экан...

Бошловчиликни кўплар жуда осон иш деб ўйлайди, шекилли. Шоир ёки хонанда бўлиш учун алоҳида иқтидор талаб этилади. Бошқа касбга лаёқати бўлмаганлар негадир: “Энди бошловчи бўла қо-ламан”, деган қарорга келади, чоғи. Шундай бўлмаганда эди, бу соҳага адашиб кириб қолганлар, бошқа-ларнинг ғашига тегиб “ижод” қилиб юришмасди. Аслида, бошловчилик, таъбир жоиз бўлса, “танланганлар-нинг танлангани” дейиш мумкин. Институтнинг актёрлик гуруҳига танлаб олинганлар орасидан бир ёки икки нафаргина бошловчи чиқиши мумкин.

Чуқур билимли, дунёқараши кенг, интилувчан, сиёсий-ижтимо-ий воқеалардан, дунё адабиёти ва санъатидан хабардор бошловчининг тафаккури бой, зехни ўткир бўлади. Чунки бошловчи бу — ўз ўрнида мам-лакатнинг, миллатнинг юзи ҳисоб-ланади. Катта-катта йиғилишларда тадбирни олиб борадиган бошловчи-лар ўша тадбир даражасини белги-лайди. Зўр бошловчи бўлса, тадбир зўр, мундайроқ бошловчи бўлса, тадбир ҳам мундайроқ ўтади.

Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
ҳодими

АДАБИЙ-БАДИЙ НАШРЛАР

«Ҳаҳон адабиёти»

2021 йил май сони

“Аччиқ ёзиш исзис кетмайди. Аччиқ ҳақиқат қимнингдир кўзини очади, фикри уйғонади, тафаккури бўй кўрсата бошлайди”, деб ёзади Аҳмаджон Мелибоев “Англаган ҳақиқатни... англаш қийинми?” ном-ли публицистик мақола-си. Муаллиф адабиёт тарихи, маъбуот тарихи, бугунги адабий жараёндан далиллар, мисоллар келти-риб ҳозирги жамиятнинг маънавий кўёфаси хақида қуёниб фикр юритади.

“Шеърят минтақа-лари” руқнида берилган таниқли шоир Собит Ма-далиев ижодидан намуналар халқона йўлда битилгани билан эътиборни тортади. Шоирнинг мазмундор ва тиниқ, раvon тўртгиллари Умар Хай-ёми, Пахлавон Маҳмуд ва Махтумқули услубини ёдга солади. Тўртгилларни рус тилидан Шукур Қурбон таржима қилган.



Занги ота хақида қимматли маълумотлар берилган. Америкалик атоқли адиб Эдгар Понинг “Композиция фалсафаси” мақоласида ёзувчи тафаккурида пайдо бўлган ғоя-дан тутилган бадий асар қай тарзда амалга ошиши, ижод жа-раёнида ва асар ёзиб бўлинган-дан сўнг муаллифининг ҳолати тахлил этилади. Ушбу мақола-да ижодидан намуналар халқона йўлда битилгани билан эътиборни тортади. Шоирнинг мазмундор ва тиниқ, раvon тўртгиллари Умар Хай-ёми, Пахлавон Маҳмуд ва Махтумқули услубини ёдга солади. Тўртгилларни рус тилидан Шукур Қурбон таржима қилган.

Шуниингдек, журналнинг ушбу сониди И.Султоннинг “Алишер Навоий”, А.Дюманин “Жаллод чанга-лидаги ошдиқлар” романлари ҳамда А.Вознесенскийнинг “Хандак” асари давомини ўқийсиз.

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Оилавий яхлит ҳаётни индивиду-ал манфаатлар нуктаи назаридан май-да-майда бўлақларга бўлиб: “Қара, сенга қандай ноҳақлик қилинапти, ўз кадр-кимматинг, ҳақ-ҳуқуқингни талаб қил”, деб уйдағиларни бир-би-рига қарши гиж-гижлаш — ҳуқуқий саводхонликнинг ошининг ҳамма, оилалар парчаланиб, тирик етимлар

нига салбий таъсир қилганидек, бун-дай чиқишлар мингдан бир ҳолатда бўлсаям, турмуш қурмаган ўғил-қиз-ларнинг онгини бузмаслигига қим қафолат беради? Битта-ярим шундай воқеа юз бергандаям, биз одоб ва ҳа-ёда дунёга дарс берган халқ экани-мизни унутмаслигимиз керак.

Баъзан шундай туюладикки, маъ-навиятимиз, азалий қадриятлару миллий одоб-ахлоқимизни тубдан ўзгартаришга қаратилган чиқишлар

гари инсоний фазилатлар ҳамда соғлом эътиқод, шак-шубҳасиз, эз-гуликка хизмат қилмоқда. Ишонма-сангиз, бугунги унча осон бўлма-ган шароитда ҳам Ўзбекистоннинг исталган жойига боринг, қавм-қа-риндош ёки меҳмонга қандай из-зат-хурмат, қандай ғамхўрлик кўр-сатишларига гувоҳ бўласиз. Бундай меҳр-оқибат, одамгарчилик, хур-мат-иззат ҳамма халқларда ҳам уч-райвермайди.

ми, албатта, фурсатдан фойдала-ниб, замонамиз алломалари тугул, ўтмишдаги азиру анбиёларини ҳам аямай, қон-қонимизга сингиб кетган улуғ таълимотга қора кўзойнақ ости-дан қарай бошлайдилар. Бу қандай жаҳолатки, улар миллий фазилатлар-ни, хатто бағрикенглик, кечиримли-ликка ундовчи шарқона таълим-тар-бияни ҳам иллат манбаи деб талқин қилмоқдалар. Қанчалик олим ула-мо бўлмайлик, биз илму маърифат-

га эмас, илму маърифат бизга керак, ўқиганимизга амал қилмасак, дунё-вийми-ухровийми илмнинг, миллату менталитетнинг нима айби бор?

Эр-хотинлар ўртасидаги низола-рни одоб билан ислоҳ қилиш ўрнига оилаларни ажратиб юбориш, бола-ларни тирик етим қилиш, айниқса, фитна қилиш оғир гуноҳ саналади. Хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам жуф-тинг ахлоқининг йарми бўлади — бу Аллоҳнинг ваъдаси. “Нисо” сураси-нинг 26-оятда айтилганидек, “нопок хотинлар нопок эркаклар учундир, нопок эркаклар нопок хотинлар учун-дир; покиза аёллар покиза эркаклар учундир, покиза эркаклар покиза аёллар учундир”. Ўзгармас ҳақиқатга шубҳа билан қараш ўрнига, аввало, ўз феълимизни, ахлоқимизни, ақи-даларимизни тузатиб олайлик. Зеро, ҳеч бир иллат миллат ёки уммат тан-ламайди. Шарқ доғишмандлари тили билан айтганда, “Агар қийишқ бўлса пойдевор, осмонга етса ҳам қийишқ-дир девор”.

Шўҳрат АЗИЗОВ

АГАР ҚИЙИШҚ БЎЛСА ПОЙДЕВОР...

кўпайишига, бир сўз билан айтганда, жамиятдаги ижтимоий муаммолар оғирлашувига олиб келади, холос. Шундай экан, муайян воқеликка му-носабат билдиришда зиёли қатлам-нинг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракати хоҳ салбий, хоҳ халқий бўлсин, ҳар иккала ҳолатда ҳам илбутили аҳами-ятга эғалигини унутмаслик керак.

— Яқинда бир мақола ўқиб қол-дим, — дейди Тошкент давлат шарқ-шунослик университети доценти Адҳамбек Алимбеков. — Олти фар-занднинг онаси бўлган бир аёл Мек-сика сериалларидаги семимли қахра-монининг “Яхши хотиннинг ҳамма нарчаси — чиройи, обрўйи, пули, ... ҳам бўлиши керак” деган сўзига амал қилиб, оиласига хиёнат қилгани хақида экан. Журналист ё блогерлар-нинг кўпроқ лайк йиғиб, пул ишлаш ё тезроқ танилиш мақсадида тўқиган бадий тўқимаси ё реал воқеа, бу-нисини билмадиму қуқий варақда турмай-диган, ношаръий ишқий муносабат-ларга оид ижтимоий тармоқлардаги чиқишлардан аччиғим келади. Ажна-бий сериал халиги мақола қахрамо-

худдики ижтимоий тармоқларга атай, қасддан қўйилаётгандек. Бўлар-бўл-мас, борингки, яккам-дуккам учрай-диган фактлар баҳона асрлар мобай-нида кексалари хурматда, ёшлари иззатда бўлиб, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Имом Бу-хорий ва Термизийлардек буюк алло-маларни вояга етказган шарқона ои-лалардаги таълим-тарбияни мутлақо яроқсизга чиқариш маънавий сўқир-ликдан бошқа нарса эмас.

Бола-чақаси вояга етгач, оилада ортиқча юк бўлиб қолаётган гарблик кексалар билан хонадонимиз тўрида кўр тўкиб, улкан ҳаётий тажриба-сиз беназир насихатлари, куну тун олқиш-дуолари билан йўлимизни ўнглаб ўтирган ота-боболаримиз-нинг шу кеча-кундуздаги ҳолатини бир-бирига таккослаб кўринг, фарқ — ер билан осмонча. Демакки, то ҳануз шарқ оилаларидаги маънавий муҳит — ота-оналар томонидан минг йиллардан буён ёш авлод қалбига сингдириб келинаётган одоб-ахлоқ, инсонпарварлик, меҳмондўстлик, бағрикенглик, ватанпарварлик син-

Шундай экан, яккам-дуккам, ху-сусий ҳоллардагина бўй кўрсатаёт-ган иллатлар омили сифатида дину диёнати, менталитетни кераксизга чиқариб, жамиятни оилавий низо-лар ботқоқига тортишдан қўзланган мақсад нима ва бу қанчалик тўғри? Ё бу давволар ортида ўз эълилари-миз қўли билан ўзлигимизни, мил-лий хусусиятларимизни зимдан махв этиб, халқимиз руҳиятига ёт ғоялар-ни сездирмай онгимизга тикиштир-моқчи бўлаётган қандайдир қучлар борми? Хўш, унда дунё тараққи-ётида салмоқли ўрин тутган туркий халқлар маданияти, умуминсоний-у-муммиллий қадриятларимиз ҳамда менталитетимизни кўзимизга ёмон кўрсатиш қимга ва нима учун керак бўлиб қолди? Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур: акс хол-да, Аллоҳнинг ғазабига учраган Лут қавмининг ахлоқсизлигини ёқлаб, қўллаб-қувватлашга на ҳожат?

Айниқса, ижтимоий тармоқларда фаолияти эътиқод билан боғлиқ би-рор шахснинг қилмишига оид хабар тарқалса борми, у тўғрими-ноўғри-

Рустам ЭМИН

ҚАЛБИМ ИЗОРИ ЖАРАНЛАР



Саксонга киргандай бўламан баъзан,
Инжиқ бир чолдайин тўқийман матал,
Аслида қирқимни мен ерга қўйдим.

Саксонга қанорни кўтармоқ истаб,
Баъзида белимга боғлайман белбоғ,
Лек тўхтаб қоламан, етмайди қучим.

Саксон пиллапоя, дахшатли узок,
Ярмида хансираб турибман секин,
Бу, балки мен учун қўйилган тузок?!

Қирқ чилтон, дейдилар, чор томонимда,
Қирққизнинг сочини хар кун тарайман,
Яна бирининг мен кўнглин овлайман.

Саксонга гўзалга етишмоқ душвор,
Саксонга полвонга эш бўлмоқ қийин,
Қирқидан хатлаган битта одамга.

Бундан ҳам қийинроқ бўлади, балки
У замон боқмаса бизнинг замонга,
Балки қирқдан кейин яна қийинроқ.

Севаман...
Юрагим бироз энтиқди,
Етмади нафасим “Сизни...” дейишга,
Лолалар тўкилди, баҳор ҳам кетди,
Мухаббат энтиқди қайдасан, дея.

Кўзлар ўкка тутди қалбимни яна,
Юраклар учрашди сассиз, жимгина.
Мен сизни ўйладим, сизга термулиб,
Мен сизни изладим қилмайин гина.

Топганим қалдирғоч уйи ва яна
Бир жуфт лола бўлди қўлимда тутган.
Қалдирғоч дардимни тинглади ҳамда
Деди: фақат уми сени унутган?!

Мен эса юрагим сўзини олмай,
Қалдирғоч уйини паноҳ деб билдим.
“Севаман” дейишга етмайин қучим,
Лоланинг баргига юрагим илдим.

Кўп бўлди, дилга сўз айтолмадим ҳеч,
Кўп бўлди, хатто сайр қилмадим у-ла.
Кўп бўлди, захилга бурканди дилим.

Кўп бўлди, булбулнинг овози тинган,
Қанотин қоқолмас, боғлиқ қанотин,
Баъзан ажабланиб қарайман унга.

Кўп бўлди, мен нафас олмайман хатто,
Билмам, тирикмаими ё ўлиб қолдим?

СЕНИ МЕНГА

Қошингда қалдирғоч қанотин аксин,
Юзингда мавжланар лоланинг ракси,
Во ажаб, ёноққа олманинг нақшин
Олам ҳукмдори ирод этибдур.

Хаёлот дунёси бунда намоён,
Шоҳлар ҳам пойингда тиз чўқар, аён,
Рухимда уйғонар тотли бир тугён,
Такдир сени менга бунёд этибдир.

Такдир ўйинига хайрон қоламан,
Баъзан боламдан ҳам мен ёш боламан,
Балки ўлгунимча шундай қоларман,
Билдим, пешонамга сени битибдур.

...Не қилай, билмайин сени учратдим.

Эллик бир қалдирғоч, эллик бир ниҳол,
Ожиз кўксини у бўронга тутар,
Ҳадикдан мунғайиб қарайди ортга.

Ортимда дарахтлар қийғос гулларин,
Тўққанча мевасин кўз-кўзлаб турар,
Энди хазонларин пойимга тўшар.

Сув билан сирлашган мажнунтол – кизим,
Яна эркалигин қилади менга,
Тиллақош оламан унинг тўйига.

Мен энди қалдирғоч қанотин тутиб,
Оймомо бағрини этаман сайр,
Севги ниҳолларин экаман унга.

Мирзачўл бағрида унган янтоқлар,
Бошимга пар ёстиқ мисол қўйлар,
Сирдарё сувидагн ичмаган қониб.

Яна янги ариқ очилар чўлда,
Яна бир баҳордан келади дарак,
Онам қозонида қайнар сумалак.

Ёлғонлар тўқийман ўзимни алдаб,
Элликта тўнимни мен йиртиб бўлдим,
Элликта яктак, бу – мен учун байроқ.

Ўша байроқларни маҳкам тутганча
Мен олдга бораман, олға босаман,
Тугаб битмасидан сабрим меваси.

...Эллик бир қалдирғоч – сабрим меваси,
Нурларга чўмилиб яшайман энди.

Сўнгги йўлга кузатади жим,
Юлғунларнинг барглари харир.
Сўнгги йўлга кузатар йиғлаб,
Янтоқларнинг барглари сўлгин.

Сўнгги йўл у, оқариб кетган,
Атрофини босган шўралар.
Бодроқдайин сочилиб кетган,
Юлдуз кўкдан ажиб мўралар.

Сўнгги йўлга йўл олган дарвеш,
Кўзасида бир томчи майи.
Айрилиқдан чўчимайди у,
Қийнар қалбин тиглаган найи.

Сўнгги йўл у, милтиллаб турар,
Аёлининг кўзидаги шам.

Кашқулим – сукунат ўлкаси,
Қалбимнинг торлари жаранглар,
Қулоққа чалинар Ҳаққушнинг саси.

Сукунат саҳроси нақадар ночор,
Румийни соғинган қул мисол йиғлар,
Кўздан ёшлар эмас, оқади ғамлар.

Мен яна сукутнинг бағрига кирдим,
Мозийдан бир варақ топдим амаллаб,
Ўнгимда жонланди Румийнинг рақси.

Мерос қолган менга қадимий кашқул,
Сирларин ўзига олган яшириб,
Қандай очишни ҳам билмайман уни.

Кўзимни юмаман, қундуз – қоронғу,
Тунда ой нуридан кўзлар қамашар,
Қачон очмоқликни билмай гарангман.

Кўнгилда нима бор, унинг қатини
Бир бора кўрмоққа уринмадим ҳам,
Бир бора кирмадим унинг уйига.

Шунданми хар кунни йиғлар бечора,
Хар кунни беш бора кўкка тикилар,
Бўғзимга нимадир тикилар бот-бот.

Бир кунни вулқондай портлайди, албат,
Тинмайин бўғзимга тикилган соғинч,
Шунда кашқулнинг ҳам сирин очилар.

Шу кунни қўлларим кўкка кўтариб,
Бобомдек рақсга тушаман мен ҳам,
Кўнгил кўзларида намоён рақсга!

Шунда кашқулдаги сукунат ўлар,
Ғул чалиб келади буюк бир лашқар,
Бобом тобутини кўтарган каби.

Қалбим юлиб олиб ўша кунни мен
Поёндоз қиламан лашқар пойига.

Соғиниб яшаган дамингда бирдан
Эшитиб қоласан ёқимсиз оханг:
Кимга ҳам кераксиз, сиз асли фақир!

Соғиниб яшайди аслида одам,
Отасин, онасин, дўсту ёрини,
Севгилин, истамас ғанимини ҳам.

Нега шундай экан, ҳаёт мураккаб,
Баъзида ёқмаган одамнингғни ҳам
Минглаб чироқ ёқиб излайсан қундуз?

Мен нинам йўқотиб қайсидир кунни,
Тунда ҳам оромим тополмай ётдим,
Қундузи маст бўлдим унинг ишқида.

Тўғриси, шунга сал ўхшайди фиروق,
Ўзингни йўқотиб қўйган чоғингда,
Ўридан кўчгандай бўлади тирноқ.

Минг бор кўчиб бўлган менинг тирноғим,
Яна мингига ҳам бераман бардош,
Фақат севгимга маст бўлса қаламқош.

Ақшагул ТУЛЕГЕНОВА

ҲАР СВЪИМДА, БАЁИИМДАСАН

УЙҒОН, ЭЛИМ

Бир сўзин баралла айтаман бугун:
Бахтли келажакка етишмоқ учун
Ечилмоқда секин ечилмас тутун,
Ширин мудроқлардан уйғон, жон элим,
Қўлингда турибди зўр имкон, элим!

Келажак авлодинг бўлсин десанг шод,
Шаҳарлар чиройли, қишлоғинг обод
Қилмоқ учун тагин айтаман бот-бот –
Ширин мудроқлардан уйғон, жон элим,
Қўлингда турибди зўр имкон, элим!

Бу юртда гунча ҳам топмагай завод,
Ҳаттоки кўз очди қакшаган Орол,
Ватаниннг қадрига етмаслик увол,
Ширин мудроқлардан уйғон, жон элим,
Қўлингда турибди зўр имкон, элим!

Юртбошим кўрсатди бешта улуг йўл,
Беш қитъа, беш олам чўзи бизга қўл,
Шу улуг ишларда камарбаста бўл,
Ширин мудроқлардан уйғон, жон элим,
Қўлингда турибди зўр имкон, элим!

ЯНГИЧА БАЁТ

Қишнинг кировидан чарчаганда дил
Баҳорнинг сасини етказдинг менга.
Безади хар адир, хар чаманни гул,
Лолақизғалдоқлар тутқаздинг менга.

Сокин юрагим ҳам жўш уриб кетди,
Унсиз томирларда уйғонди ҳаёт.
Ўтган кун ўтмиш ва туш бўлиб кетди,
Бошладим янги шеър, янгича баёт.

Яқинлаб келса-да, гарчи олтин куз,
Кўнглимда баҳорнинг ифрлари бор.
Ҳаётмиз, аслида, сева олсак биз,
Юракнинг айтмаган изҳорлари бор.

Мухаббат бор экан, яшарман хали,
Севмасдан яшашга етмайди қурбим.
Севгидан узокроқ кетганим сари
Баҳор ёмғиридай

тўкилдим лим-лим...

... Маъносиз қунларда безабон, беун
Йиғладим минг кеча,
Йиғлаб ўлмадим.
Мазмунсиз ҳаётдан чарчадим, леккин
Севгидан чарчаган юрак кўрмадим...

СЕН

Сен хануз қалбимда, юрагимдасан,
Ўтиб бўлмас севги йўлагимдасан.
Ёдимдан кетмайсан тушу ўнгимда,
Бир умр ушалмас тилагимдасан.

Сен хануз вужудим, жон-жонимдасан,
Тан ичра айланган қон-қонимдасан.
Қунларим, ойларим, хар онимдасан,
Ўзинг олисдаю лек ёдимдасан.

Тирикманки, ҳамон ҳаётимдасан,
Дунёни титратган фарёдимдасан,
Мухаббат ҳақида ёзган хар шеърим,
Хар сўзим, хар мисра, баётимдасан!

Сен хануз қалбимда, юрагимдасан!

Тўриқ чимдиб-чимдиб, арпа капала-
ган бўлди, бироқ ем татимади.

Қайтиб келиб, тўрвани от бошидан
олган момо, емнинг қамаймаганини
кўриб, Тўриқнинг бўйинини сийпалади.
“Сен ҳам касал бўлиб қолма, тагин, ё
сувсадингми”, дея челақ тутди. Сўнг
кўзларида ёш ғилтилаганча
отхонадан аста чиқиб кетди.

Беш қундан бери айри-
лика азобидаги туркини энди
ўз-ўзидан қучли бир дилғир-
лик чулғади. У жойида туриб
депинсар, қалта-қалта қишнар,
эсини таниганидан буён илк
бор арқондан чиқишга ҳаракат
килди. Уринишлари бесамар-
лигини билиб, арқон илондай кўринди
ва унга тикилиб қолди.

Бир мунча вақт ўтгач, кўз ўнги-
да гунажин бўйнидаги арқон, уни
етақлаб кетаётган аёл ва ортидан эр-
ғашган болалар пайдо бўлди... Эсла-
ди, узок йили қатта бир кўпқаридан
олган соврин – гунажинни етақлаб
уйга қайтишганди. Сохиби отдан
туша солиб, ўғлини маҳалладаги бева
аёлни қақриб келишга югуртирди.
Аёл қора-қура қичик ёшдаги ўғилла-
ри билан етақлашиб, “Полвон тоға,
қақиртирган экансиз?”, деб қириб
келганда, сохиби: “Синглим, шу гу-
нажин сен ва болаларингга, қарасанг-
лар, яхши сигир бўлиб, қосаларинг-
ни оқартиради”, дея арқонни унинг
қўлига тутқазди. Буни қутмаган аёл
гапи бўғзига тикилиб йиғлаганда



ЁШЛИГИМ

Кўнглимда бор ожиз маъюслик,
Қўлим чўзиб етмаган умид.
Ёдимдасан хануз, о, ёшлик,
Хаёлимдан кетмаган йигит.

Кўзим юмсам, кўраман сени,
Йигирмадан ошмаган йигит.
Қўлларимдан етақлаб, мени
Қир-адирга бошлаган йигит.

Унсиз боққан нигоҳлар ила
Қулганлари мулойим йигит.
Хануз ўша-ўшандайми, а,
Юсуф каби чиройинг, йигит.

Такдирига тан бериб, леккин
Омадини ютқазган йигит.
Севгимизни ёзгин деб, секин
Менга қалам тутқазган йигит.

Кўнглимда бор ожиз маъюслик,
Қўлим чўзиб етмаган умид.
Ёдимдасан хануз, о, ёшлик,
Хаёлимдан кетмаган йигит.

ОНА ТИЛИМ

Мозий сари бўйласам бугун,
Кўнглим эзар қандайдир тутун.
Гувоҳ бўлиб неча қора тун,
Шу қунларга етдинг-ку, тилим,
Кўп довондан ўтдинг-ку, тилим.

Навийнинг қаламларида,
Шоҳ Бобурнинг аламларида,
Амир Темур “Тузук”и ила
Авлодларга етдинг-ку, тилим,
Асрлардан ўтдинг-ку, тилим.

Сен эрурсан тиллар гавҳари,
Улғбекнинг само жадвали,
Аждодларнинг ўлмас асари,
Сенга доим талпинар дилим,
Кўхна ҳамда навқирон, тилим.

Тарих саҳифаси турфа ранг,
Ўтдик мағрур, қилиб неча жанг,
Фарзандларинг қилар тантананг,
Оламини лол етдинг-ку, тилим,
Шу қунларга етдинг-ку, тилим.

Не қунларни кўрмадинг, эй воҳ,
Барчасига ўтмишинг гувоҳ,
Паноҳида асрасин Аллоҳ,
Хурриятга етдинг-ку, тилим,
Асрлардан ўтдинг-ку, тилим!

Икки кундирки Тўриқ хомуш, эгаси
келмаётганидан безовта. Сохибининг
хар кунни бўйнидан қучиб-эрқалаб, бе-
озор шапатлашини кўмсаб, тинимсиз
бошини сермагани-сермаган.

Сохиби ўрнига кунда уч маҳал ха-
бар олаётган аёл “Тек, жонивор, тек!”
деганча олдига беда ташлайдию кета-
ди.

Ёнида боғлиқ турган, ўзига қийиб
қўйгандай ўхшаш дўнон думини қажаб
килиб бедани курт-курт чайнашга ту-
шади. У Тўриқнинг емишга безътибор-
лигидан ажаблангандай, қиска-қиска
пишқириб, уни емишга ундагандай
бўлади. Билмайдики, аёл кўзидаги из-
тиробни ҳис этган Тўриқнинг бутун
хаёлини сохиби банд қилган, эгасидан
хавотирга тушган.

Мана, уч кундирки, Тўриқ ва дўнон
бир жойда. Илгари уларни эгаси ташка-
рига олиб чиқар, силаб-сийпалар, бада-
нини бошдан-оёқ отқашловда қашлар,
думини, ёлларини тараб қўярди.

Сохибининг ёлғиз ўғли кўринмай
қолганига анча бўлди, отасининг норози-
лигига қарамай, қаергадир кетганича
хали қайтмади.

Сохибига доим эргашиб юрадиган
болалар ҳам кўринмайди. Сохибининг
аёли вақти-вақти билан келиб, чуқур
“ух” тортганча, ем солиб ёки хашак
ташлаб кетишини айтмаса, гўё жони-
ворларни унутиб қўйишгандай.

Тўриқ пишқира-пишқира, яна ўйга
толди. Негадир эгаси билан бирга ўт-
ган кунлар эсига туша бошлади. Хали

тойчоқ пайти сохиби уйига етақлаб
келиб, яккамихга боғлаб, устига ёпқич
ташлагани, сўнг негадир бўғимлари ва
ўмровини қаришлаб-қаришлаб ўлчага-
ни, охурига тоза гулбеда солиб қўйган-
лари ёдига тушди.

Ўша кезлар сохиби ҳам анча ёш,
қучга тўлган пайт эди. Сохи-
бининг уч-тўрт йил сабр-тоқат
билан астойдил парвариш қил-
гани, аста-секин кўпқари чопи-
шга тайёрлагани иш берди. Тўриқ
тезда кўпқарининг тўда-
га киришу улоқ бошида тўхташ
ҳадисини олди. Сохиби улоқ-
ни кўтаргач, биқинига биргина
туртиб қўйиши етарли. Энди
Тўриқнинг йўлини тўдақаш ё четқир
чортоққача тўсолмас эди.

Эҳ-хе-е, не-не катта йиғинларни
кўрмади. Тўриқ ва сохиби бир-бири-
ни бир имо-ишора орқали тушунарди.
Сохибининг суюб эркалаши, кўнглига
қарашига жавобан Тўриқ ҳам унинг
саъй-ҳаракати, рухиятига қараб иш ту-
тадиган бўлди.

Кўпқарида бошқа чавандозлар ўз
отлари сағрисига аччиқ устида қамчи
туширганида уларга Тўриқнинг жони
ачирди, сохибининг бирон марта бе-
сабаб қамчи урмаганидан масрур эди.
Сохиби талотўпда Тўриққа қамчи ту-
ширган чавандозларни аямаслигини
кўрган, хатто айирган катта соврилла-
рига ҳам қарамасдан “нотавон узан-
гилош”ига қараб ғазабланиб тикка от
солганига-да шохид бўлган.

Э, йўқ... Эсида, бир мартагина
қамчи еган. Қай бир йили хожаси
бозорга мол хайдар бўлди. Молни
сотиб, болаларига совға-саломлар
юклаб, уйга қайтарда, Қорачатоғ
дарасидаги ёлғизоёқ йўлга келган-
да кун ботиб, кеч тушиб қолди. Тим

Холмўмин ЁДГОРОВ

АЙРИЛИҚНИНГ ОЛТИНЧИ КУНИ

қоронгуда кетиб бораётиб, Тўриқ
олдинда, харсангтош ортида қора
ниятли одамлар писиб ётганини ҳис
килди ва пишиқирганча бошини чет-
га бурди. Полвон юганни
бир-икки тортиб отни йўл-
га солишга уринди ва эппай
олмагач: “Ҳай, билганинг-
ни қил” дегандай, ўз май-
лига қўйиб қўйди. У эллик одимгача
қиялаб, ўзини йўлдан тортиб бора-
верди. Шунда беихтиёр қимдир: “Бо-
воча-бово, бир отим нос беринг”, деб
қоронгудан ўзлари томон югургилаб
чикди. Сохиби “нос сўровчи” қароқ-
чи эканлигини билди ва ўзи ҳамда
Тўриқни хавфдан қутқариш нияти-
да: “Ҳайт-а, хайт!”, деб енгил қамчи
ургани рост. Йўқ, Тўриқ бундан ран-
жимади, қароқчига силтанган қамчи

ҲИКОЯ

Адиб Ўткир Хошимов таваллудинини 80 йиллиги

Ўткир ҲОШИМОВ

ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

ГЎДАК ИСИ

Аёл гўдак исини биринчи фарзанди туғилганидаёқ хис этади. Эракка эса гўдак иси нималигини неварали бўлганидан кейин англайди!.. Биз — эраклар доим кечикиб юра-миз...

ОТАЛАР ВА БОЛАЛАР

У оддий одам эди. Ҳаммолчилик қиларди. Тўрт қиз, уч ўғилни оёкка тургазди. Ўғилларини уйлантирди. Қизларини чикарди. Ҳаммасини



уйли-жойли қилди. Кўз юмаётганида: «Ҳаммаларингдан мингдан-минг розиман», деди... Қарашса, қафандлиги йўқ экан...

АЁЛ ҚАЛБИ

Аёл қалби тескари магнитга ўхшайди: яқинлашсанг — узоклашади, узоклашсанг — яқинлашади.

ГУМРОҲ БАНДАЛАР

Одамларга хайронсан. Ота-онаси тириклигида икки оғиз ширин сўзни текинга айтмайди-да, улар ўлганидан кейин минг-минг пул сарфлаб, ўша сўзларни қабртошга ёздириб қўяди...

КУЛГИ ВА ЙИГИ

Кулишни билмайдиган одам — бахтсиз одам. Йилганини билмайдиган одам эса икки ҳисса бахтсиз!

АСЛ АЙНИМАС

Сопол товогинг синса, дод сол: кесакка айланади. Тилла идишинг синса, парво қилма: баҳоси тушмайди!

КЕТМАС БОЙЛИК

Менда бир сўм бор. Сизда ҳам бир сўм бор... Мен сизга ўзимнинг пулим-

ни бердим. Сиз ҳам менга ўзингиз-нинг пулингизни бердингиз...

Ҳеч нима ўзгармади. Сизда ҳам бир сўм қолди, менда ҳам...

...Менда янги бир фикр бор. Сизда ҳам янги фикр бор...

Мен сизга янги фикримни айтдим. Сиз ҳам менга янги фикрингизни айтдингиз...

Сизда ҳам иккита фикр пайдо бўлди, менда ҳам...

Эсли одам пул алмашмайди. Фикр алмашади!

ХОМ СУТ ЭМГАН

Одам учта нарсанинг қадрини доим кечикиб билади. Ёшлик. Соғлиқ. Тинчлик.

ҚИСМАТ

Инсон ҳаёти шатранж тахтасидаги пиёданинг юришига ўхшайди. Гоҳ оқ катакдан ўтади, гоҳ қора катакдан... Фарқи шуки, бировнинг қисматида оқ катаклар кўпроқ бўлади, бировникида — қора катаклар...

ОФТОБ

Яхшиямки, Худо офтобни бағрикенг қилиб яратган. Бўлмаса, ер юзидаги одамларнинг иллатларини ҳар куни кўравериб, аллақачон сўниб қолган бўлармиди...

ТОШ ВА ҚУМ

Тошни майдалаб, қумга айлантириш учун бир дақиқа қиёф. Аммо кумнинг тошга айланиши учун минг йил камлик қилади. Дўстлик ҳам шунга ўхшайди.

БОШ АЙБДОР

Турмуш синовларига биз — қатталар дош беролмасак, болада нима гуноҳ? Нега бизнинг айбимиз учун гўдаклар етим қолиб, азиат чекиши керак?

ТЎЛА ВА ЧАЛА

Ярим ҳақиқат чин билан ёлғоннинг ўртасида туради, деган одам янглишади. Ярим ҳақиқат ҳамиша чиндан кўра ёлғонга яқинроқ туради.

ЗУЛМ

Одамларни кўриб яшашга мажбур қиладиган жамият — энг омонат жамиятдир.

ОНА ТИЛИ

Қанча кўп тилни билсангиз, шунча яхши. Бирок одам она тилида тафаккур қилади, она тилида туш кўради, она тилида йиғлайди... Ўлим олдида онасини она тилида йўқлайди...

ТУШ

Бошимга ташвиш тушса, бир нарсадан қаттиқ сиқилсам, онам тушимга қиради. Қувончли дамларда эса, хоҳласам ҳам на онамни, на отамни тушимда кўроламан... Қизик...

КУЧ ВА АДОЛАТ

Адолат Кучга бўйсунган юрт — вайрон юрт. Куч Адолатга бўйсунган юрт — бўстон юрт.

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий номи ва асарлари ҳаётлик пайтидаёқ туркий халқлар орасида маълум ва машҳур бўлган. Зеро, шоирнинг ўзи Хитодин то Хуросонгача турк улусини, ҳатто Шерозу Табризни ҳам кўшин тортмай, қалами кучи билан эғаллаганини фахрланиб эътироф этган.

Кўнгил бермиш сўзимга турк жон ҳам, На ёлғиз турк, балким туркмон ҳам.

Туркман мумтоз адабиёти намояндалари ҳазрат Алишер Навоийни ўзларига устоз деб билган. XVIII–XIX асрларда яшаб ижод этган Озодий ва Махтумқули, Андалиб ва Камина, Мулланафас ва Зелилий, Шохбанди ва Котиби ҳамда яна ўнлаб туркман мумтоз шоирлари Навоий анъаналарини ўз даври ижтимоий-тарихий шароити руҳида давом эттирганлар. Давлатмаммад Озодий шундай шоир-

ТУРКМАН ШОИРЛАРИНИНГ ҲАМ УСТОЗИ

лардан бири эди. У туркман адабиёти тарихини фалсафий дидактик дoston-лари билан бойитган қалам соҳиби, Махтумқулининг отаси.

Озодий туркман адабиётида “Ваъзи Озодий” (“Озодий насихатлари”) ва “Беҳиштнома”дек фалсафий-таълими дostonлар муаллифи сифатида танилган. “Ваъзи Озодий” дostonи Шарк анъаналари руҳида ёзилган. Шоир ўз ўрнида Фирдавсийнинг “Шохнома”, Низомийнинг “Махзан ул-асрор”, Саъдийнинг “Бўстон” ва “Гулистон” ва айниқса, Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” дostonи тажрибаларидан унумли фойдаланган. Хусусан, “Ҳайрат ул-аброр” дostonидаги етакчи мавзулар саналмиш адолатли ва адолатсиз подшоҳлар, илм ва илм аҳли, меҳнатни улуглаш, саҳийлик, зулм ва зoлимликнинг зарари каби маънавий-ахлоқий масалалар Озодий дostonида ҳам бор.

Махтумқули-Фирогий ижоди туркман адабиёти тарихида алоҳида босқични ташкил этади. Махтумқули учун Низомий, Румий, Ҳофиз, Саъдий, Фузӯлий ва айниқса, Алишер Навоийдек даҳо шоирларнинг ижод хазинаси қатта мактаб бўлгани ҳақиқат. У ўз асарларида бу улуг шоирларнинг номларини устоз сифатида тилга олади. Хусусан, шоирнинг “бўлсам” радифили шеърида шундай бир банд бор:

Ҳақ йўлида юрган устод Навоий,
“Чордевор”и, “Фарҳод Ширин” зебойи,
Заҳириддин Бобур, “Мезон ул-авзон”и
Қошлариға бориб мен Мажнун бўлсам...

Маълумки, Махтумқули Хивадаги “Шерғозин” мадрасасида таҳсил олган. Шарк мумтоз адабиёти, айнан, Навоий мероси билан ҳам мазкур мадрасада танишган. Чунки Шарк адабиёти намояндалари, хусусан, Навоий асарларидан мадрасада дарселик-қўлланма сифатида фойдаланилган. Махтумқулининг “Қоши ёй”, “Қайда-сен”, “Эй, дўст”, “Тўғриси”, “Бор менинг”, “Келдим”, “Туркман биноси”, “Билмасмидинг”, “Кўрмишам”, “Керакмас”, “Айлади” каби ўнлаб ғазал ва мухаммасларида Навоийга хос бадийи талқин ифодасини кўрамыз. Чунончи, Навоийнинг “айда” радифили ғазали Махтумқулига илҳом берган ва у ғазалга мухаммас боғлаган. Мана, “Наводир уш-шабо” девонидаги тўққиз байтли ғазалнинг матлабси:

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт,
Йиғларимнинг шиддатин тулбартг хандонимга айт.



ижтимоий муаммолар қийнайди. Ҳаётнинг беҳисоб зарбаларидан зада бўлган, “зулм исканжасида қанотлари қирқилган”, “кўз ёшлари дарё бўлиб оққан” лирик қаҳрамон арзи холини айтиб “сабо”га мурожаат этади. Лекин мурожаатлар мазмун-моҳиятига кўра ҳам турлича. Навоий лирик қаҳрамони дарду ҳасратини “Жону жаҳондин ҳам яхши кўрадиган жонони”га етказишни сабодан сўраса, Махтумқулининг лирик қаҳрамонини ҳаётдаги

ижтимоий муаммолар қийнайди. Ҳаётнинг беҳисоб зарбаларидан зада бўлган, “зулм исканжасида қанотлари қирқилган”, “кўз ёшлари дарё бўлиб оққан” лирик қаҳрамон арзи холини айтиб “сабо”га мурожаат этади. Лекин мурожаатлар мазмун-моҳиятига кўра ҳам турлича. Навоий лирик қаҳрамони дарду ҳасратини “Жону жаҳондин ҳам яхши кўрадиган жонони”га етказишни сабодан сўраса, Махтумқулининг лирик қаҳрамонини ҳаётдаги

мухаммаслардан иборат. У Навоийнинг ўн етти ғазалига мухаммас боғлаган. XIX аср туркман адабиётини Мулланафас ижодисиз тасаввур қилиш қийин. Бошқа туркман мумтоз шоирлари сингари Мулланафас ҳам Шарқнинг даҳо ижодкорлари меросини ўрганди, лириканинг кўплаб жанрларида бадийий-эстетик пишиқ асарлар яратди. Шоир бу жараёнда устозлар ижоди ўзи учун сабоқ бўлганини мамнунийат билан ёздади:

Румнинг гулшанию ҳам хинд товуси,
Ёлғончи дунёдан ўтар маносий.
Низомий, Навоий яна Фирдавсий,
Сизга мудом ҳурмат қўйибди кўнглим.

Мулланафаснинг “Ўрғанур”, “Иккимиз”, “Кўрмадим”, “Бир гўзал”, “Тилла ғозим”, “Кел бўён”, “Жононинг”, “Кўзларинг”, “Эй сабо”, “Қолмишам” каби ғазал ва мухаммасларида Навоийнинг поэтик маҳоратини эслатадиган хусусиятлар жиловланиб туради.

Мулланафасни Навоий шеърятини билан уйғунлаштириб турадиган яна бир асари — “Зухра ва Тохир” дostonидир. Тўғри, бу асар ёзилиш услуби, сюжети, образлар туркуми жиҳатидан Навоийнинг бирор-бир дostonига ўхшамайди. Дoston XIX аср туркман ҳаётидан олиб ёзилгандек таассурот қолдиради.

Алишер Навоий адабий мероси нафақат бу икки қардош адабиёт, балки барча туркий халқлар адабиётлари учун ҳам улкан ижод мактаби. Бу жараён келажакда ҳам янада кенг миқёсда, янги-янги мезонларда давом этиши, ривожланиб боришига шубҳа йўқ.

Каримбой ҚУРАМБОЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

ҚУТЛОВ

Самарқандда Самариддин Сирожиддинов деган журналист ва шоирга шогирд тушганман. Самариддин ака 1932 йилда Каттақўрғондаги Кичиккўрпа қишлоғида туғилган. «Зарафшон» газетасида ўн йилдан ортиқ муҳбир, бўлим мудири, масъул котиб вазифаларида ишлаган. Сирожий таҳаллуси билан ижод қиларди. Ўндан ортиқ китоблари чиққан. Кейинчалик Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимини бошқарди. Филология фанлари номзоди эди.

Сирожий Каттақўрғон мумтоз адабий муҳитини яхши биларди. Шавқий, Мирий, Холис, Мамарасул Бобоев ижоди ҳақида қизикарли мақолалар ёзди. Аруз вазиғга эътибор сусайган пайтлар гўзал ғазаллар ижод қилди. Давраларда Алишер Навоий, Лутфий ва Жомийдан ғазаллар ўқирди. Шухрат ана шу инсоннинг учинчи фарзанди.

Самариддин ақанинг турмуш ўртоғи Мукаррам ая Ёргаш қизи қишлоқлик оддий миробнинг қизи, меҳнаткаш оила вакили. Олий маълумот ололмаган, аммо шоир ва журналистнинг биринчи ўқувчиси эди. Уйда кўп бўлганим учун аянинг меҳридан, яхши муомаласидан, чойидан баҳраманд бўлганман. Фарзандларининг барчаси ўғил бўлса-да, уйда тартиб-интизом, саришталик ҳукмрон эди. Уйдаги бой кутубхонадан фақат оила аъзолари эмас, биз шогирдлар ҳам фойдаланардик. Мукаррам ая эса ҳар бир китобнинг қаерда турганини, нима ҳақида эканини яхши биларди. Бу мўътабар аёл Шухратнинг волидан мухтарамаси эди.

Бу авлоднинг бошида турган маърифатли зот Сирожиддин махсум Каттақўрғоннинг бообўр зиёлиси бўлган Абдулғаффор базознинг ягона ўғли

бўлган. У Бухоро мадрасасини тугатиб келганда совет тузумининг қататон сиёсати қаҳрига учраб диний-мистик шоир Сўфи Оллоёрнинг авлоди бўлгани учун икки марта қамалди. Шерикларининг ёрдамида Бухоро қамокхонасидан қочиб яширинча уйга қайтади ва қизил



МЕН БИЛГАН ШУҲРАТ ДОМЛА

аскарларнинг тайжикидан кўрқиб, Каттақўрғон шаҳридаги уй-жойини жиянига ташлаб, ўз оиласи билан НКВД тайжикидан узокроқ бўлган Кичик кўрпа қишлоғига кўчиб ўтади. Бирок шу даврда қишлоқ кенгашлари (сельсовет) тузиш ишлари бошланиб, район партия кўмитаси аъзолари қишлоққа келиб уни таниб қолишади ва дарҳол НКВД-га хабар беришади. Сирожиддин қулоқ қилиниб, бор мол-мулки мусодара қилинади ва ўзи Каттақўрғон қамокхонасига қамалади. Бу ердан у қочишга йўл топади ва зудлик билан оиласини олиб, яширинча юртдан бош олиб чиқиб кетади. Туркменистон орқали Арабистонга ўтиб кетаётганда чегара ёпилиб, Оренбургда бир муддат жон саклашга

мажбур бўлади ва фақат 1938 йилдагина ватанга қайтишга муяссар бўлади. Қишлоқдан бир парча ер олиб, амал-қатқ қилиб уй солади ва дехқончилик билан шугулланади. Иккинчи жаҳон уруши бошланганда “халқ душмани” таъғаси борлиги туфайли урушга юборилмаган, аммо Сибирнинг узок ўлкаларида дароҳт кесиш ишларига жалб этилган. 1946 йили Сибирдан қайтган, умрининг охиригача Кичик кўрпа қишлоғида оғзига мум солиб, ўтмишини, қандай зотларнинг зуриёди эканлигини бегоналардан бекитиб яшайди, фарзандларига ҳам бу ҳақда чурк этмаслигини тайинлади.

Худди шундай кўргиликларни бошидан кечирган қариндоши, Ножий та-

халлуси билан ажойиб ғазаллар ёзган Қори Муҳаммадрасул Зубайдулла ҳам 1949 йил 17 йиллик қувғиндан қайтган, шаҳардаги уй-жойига бормаи, Сирожиддин Махдумнинг ёнида уй қуриб яшайди. Бу икки забардаст уламанинг маконида бутун Каттақўрғон шаҳри кекса зиёлиларининг марокли суҳбатлари кечган. Бу тунги суҳбатларда навоийхонлик, бедилхонлик қилинган, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си ўқилган. Уларнинг муҳитида тарбияланган Ножийнинг ўғли, кейинчалик халқ таълимида элга танилган Абдулазиз Зубайдулло, Қобил Узоқов, Самариддин Сирожиддинов, Ҳасан Нормуродовлар халқ орасида обрўли зиёли бўлиб етишдилар. Қобил Узоқов

узок йиллар “Қизил Ўзбекистон” газетаси муҳаррир ўринбосари, ЎзТАГ (ҳозирги ЎЗА) ахборот агентлигини бошқарди. Бу инсон — Шухратнинг амакиси эди! Замон тинчиган 70-йилларда Қори Муҳаммадрасул бобо шаҳардаги уйига қайтади, аммо Сирожиддин бобо ўз авлоди билан шу ерда қолади.

Вилоятдаги учрашувларнинг бирида давлатимиз раҳбари «Ҳасан Нормуродов мамлакат зиёлиларининг юзи» деганди. Бу бежиз эмас. Ҳасан Норбекович Қори Муҳаммад Расул зиёси, Сирожиддин махдум илми туфайли ўқиб қамолга етди. Ҳасан Нормуродов Шухратнинг онаси Мукаррам опанинг жияни эди. Ўзидан 5-6 ёш катта Самариддин ака этагини ушлади. Адабиёт муаллими бўлгач, кейинчалик партия ишига ўтди. Мустақиллик даврида Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди. Ҳасан ака менинг суюкли устозим, Шухратнинг тоғаси эди!

Академик Ботурхон Валихўжаев СамДУ ректори ёрдамчиси, шунинг қабрида мумтоз адабиёт кафедраси ўқитувчиси бўлган Шухратга алоҳида меҳр қўйди. Ўзидagi иштиёқ туфайли араб ва форс тилларини яхши билган ёш олимни Алишер Навоий оламига олиб қира олди. Бу буюк инсон Шухратнинг устози эди!

Отасидан эрта жудо бўлгач, у маърифатли боболари, падари бузруквори йўлини давом эттиришни ўз зиммасига олди.

Дарвоқе, бу пайтга келиб у бир қадар ҳаётий тажрибага ҳам эга эди.

...Учинчи курсда ўқиганида араб ва форс тилларини яхши билгани учун уни Афғонистонга таржимон қилиб жўнатишди. Роса бир йил урушни кўриб, ҳаётий нуқтанга назари шаклланди.

Шу сабабли ўқишни тугатгач, уни зобит сифатида яна Афғонистон-

га жўнатишди. Разведкада ишлади. Ўшанда бу жасоратли йигит жасорати ва маҳорати билан қамалда қолган взводнинг ярмини душман ҳужумидан олиб қиқишга эришди ва «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди. У — катта лейтенант Шухрат Сирожиддинов эди!

Шухрат Самариддинович Самарқандга икки бор қайтди. Аввал Президент академиясини тугатгач, бир муддат Имом Бухорий халқаро қамғармасини бошқарди. Кейинчалик Самарқанд чет тиллари институтини ректори сифатида. У ана шу муддатда ўзини боболари, отаси анъаналарига содиқлигини кўрсата олди. Ҳалоллиги, оқиллиги, эътиборлилиги, энг муҳими, доимий изланишда бўлиши ва машаққатлардан кўрқмаслиги боис зиёлилар ҳурматиға сазовор бўлди. Унинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишдаги янги илмий тақдирни Давлат муқофотиға сазовор бўлганда қамини мамлакатимизда илмий жасорат одилона баҳоланганини ишондим.

Ш.Сирожиддинов университет ректори сифатида давлат тили нуфузини ошириш, она тилимиз софлиги, бу буюк тил қадри йўлида заҳмат чеккан алломаларни улуглаш, она тили тадқиқотчилари сафини ошириш борасида ибратли ишлар қилаётганини кўриб, билиб турибмиз. Бу фаолиятга баҳо бериш, албатта, соҳа мутахассисларининг иши. Лекин мен илмий салоҳиятга ўз ижодий йўли, услубига эга бўлган олимни, кадрли устозимнинг фидойи олим ўғлини қутлуг ёши билан қутлайман!

Фармон ТОШЕВ,
“Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бош муҳаррири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Рассом Рўзи Чориев таваллудинини 90 йиллиги

Ўзбекистоннинг замонавий тасвирий санъати ривожига катта ҳисса қўшган Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев Сурхондарё воҳасидаги Кўхитанг тоғ тизмаларига ёндош Пошхурт кишлоғида туғилган. У болалигида ота-онасидан етим қолиб, меҳрибонлик уйларида тарбияланган ва ўша пайтдаёқ тасвирий санъатга қизиқа бошлаган. Боланинг туғма истеъдодини пайқаган тарбиячи унга расм чизиш сирларини ўргатган.

Рўзи меҳрибонлик уйида мактабни битириб, Тошкент шаҳридаги Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртига ўқишга киради. Иккинчи босқичдан сўнг уч йиллик ҳарбий хизматга қакирилади. Хизмат давомида чизган уч юзга яқин картина билан Тошкентга қайтади. Унинг ижодий ишларини кўрган билим юрти раҳбарияти Рўзини тўртинчи босқичдан ўқишга қабул қилади. Ёш рассом 1959 йили билим юртини имтиёзли тугатади. 1965 йили эса И.Репин номидаги Ленинград (Санкт-Петербург) Рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик институтини “аъло” баҳолар билан тамомлайди. У талабалик йил-

бир киз ва ўғил кўришган. Кизи Роксана ва ўғли Наврўз ҳам ота изидан бориб рассом бўлишди. Рўзи аканинг вафотидан кейин фарзандлари Россияга кўчиб кетишган. Афсуски, уларнинг кейинги ҳаёти тўғрисида маълумотлар учрамади.

Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида яшаб ижод қилган, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган Олим Қодиров мусаввирни шундай эслайди:

МАНТУЛИҚДА ЯШАЁТТАН РАНГЛАР



Суратда: Рассом Рўзи Чориев гижжақчи Шухрат Йўлдошев суратини ишламоқда (1990).

ларида ҳам тинмай, турли йўналишларда ижод қилади.


Рассом турмуш ўртоғи Мария билан талабалик даврида танишиб, оила куради. Улар

— Мен Низомий номидаги педагогика институтининг “Бадиий графика” факультетини 1992 йилда тамомладим. У кишига ҳавас қилиб шу факультетда ўқидим ва Рўзи аканинг

юзлаб шоғирдларидан бири эдим. Устоз болакалб, самимий эди. Ўзингиз ҳам биласиз, устознинг устахонаси “Буюк ипак йўли” метро станциясига яқин, ўзи устахонанинг ёнидаги уйнинг иккинчи қаватида яшарди. Рўзи аканинг устахонасида кўплаб рассомлар ва шоғирдлар ижод қилишарди. Устахонадан қуйроқда унинг мўъжазгина боғи бор эди. Боғ саҳнида кичкина ошхона, рўзгор анжомлари бўларди. Устоз сахий, ширинсўз, меҳмондўст инсон эди, дам олиш кунлари уйидан меҳмон узилмасди. Ёзувчилар, шоирлар, артистлар ва устознинг дўстлари ҳам келиб туришарди. Айниқса, шоирлар Абдулла Орипов, Усмон Азим, Рауф Парфи, адиблар Шукур Холмирзаев, Нодир Норматов, рассомлар Неъмат Кўзибоев, Исфандиёр Ҳайдаров, Азамат Ҳотамов ва бошқа таниқли инсонлар тез-тез ташриф буюришар, дилкаш суҳбатлар қуришарди. Биз шоғирдлар доимо хизматга ҳозир у нозир эдик. Баъзан суҳбатлар, шеърхонликлар эрталабгача давом этарди.

шу боис таассуротлари кўшиқ бўлиб тараларди.

Рўзи Чориевнинг ҳаёт йўли ва ижодий тақдири ўзининг ноёб, ўзгача анъанавий маданиятга эга, гўзал, кўхна ва навкирон жануб жавоҳири бўлмиш Сурхондарё воҳаси билан узвий боғлиқ бўлиб қолди. Болалик чоғларидаёқ у тоғлар фусункорлигию дала-даштлар жозибасини, бу ерда истикомат қилувчи одамларнинг улугвор ва кенг қалбини ўз қалбига сингдириб юборганди. Либослардаги ёрқин ранглар уйғунлиги, ранг-баранг хунарамандлик буюмлари, анъанавий қўшиқ ва рақсларнинг алоҳида қилоси, оҳангдорлиги, юртдошлари тимсолида намоён бўлувчи урф-одат ва расм-русумлар ранг-баранглиги — булар барчаси бўлажак рассом кўз ўнгига сир-синаоларга тўла дунё бўлиб гавдаланарди. Рассомнинг болалик пайтдаги тасаввурлари ўткинчи холга айланмади, аксинча, инсон ва рассом сифатида унинг



Мана, бир неча йилдирки, Рўзи Чориев орамизда йўқ... Аммо унинг дил кўри, шижоати, эзгулиги, инсоний фазилати билан йўғрилган асарлари биз билан қолди. Уларни Ўзбекистон давлат санъат музейида, Бадиий кўرғазмалар дирекциясида, Тасвирий санъат саройида, хусусий жамғармаларда томоша қилиш мумкин. Мусаввирнинг гаплари эл ичида хикматга айланган: “Ўзингизни аллақандай майда-чуйдаларга уриб, овора бўлманг, бу дунёда фақат ишлаш, ишлаш ва ишлаш керак”. Бу ҳаётий қоидага, аввало, унинг ўзи амал қилди ва миллий тасвирий санъатдаги хизматлари муносиб тақдирланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, Давлат мукофоти совриндори бўлди. “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирланди.

Рўзи Чориев ёниб яшади, ёниб ижод қилди, дўстлари, ҳамкасблари, шоғирдлари, уни таниган ва билган барча учун муносиб ибрат намунаси бўлиб қолди. Агар у ҳаёт бўлганида шу йилнинг 28 августига 90 ёшга тўларди. Унинг ижодий мероси миллионлаб ихлосмандларга фахр ва қувонч бағишлаб келмоқда.

Мансур ЗОИРОВ

КЕЧА ВА БУГУН САБОҚЛАРИ

Бундан қирқ йил аввал Москвада нашр этиладиган “Литературная газета”да атоқли болқор шоири Қайсин Қулиев (1917-1989)нинг адабиёт, жумладан, қардош ўзбек адабиётининг таниқли вакиллари ҳақида айтган самимий фикр-мулоҳазалари газетхонлар томонидан севиб ўқилганди.

Бадииятга, шеъриятга, таржима муаммоларига ҳолис назар солишга интилган ижодкорни, адабиёт мухлисини таниқли шоирнинг ушбу суҳбати бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Шеърият — менинг мамлакатим, мен умр бўйи унга мансубман. Қачон у мени хузурига чорлади? Балки болалигимда, уйимиз томида юлдузларга термилиб ётган пайтимда чорлагандир, балки тонг чоғида қизлар қўшиқ айтиб, булоқдан сув олиб келиш учун кетаётган дамдадир? Йиллар ўтиб қизлар қуйлаган ўша қўшиқларни ҳамюртим, тоғлиқ шоир Козим Меңчиев ёзганини билидим. У буюқ шоир эди, ўзини Фузӯлий ва Ҳофизнинг шоғирди ҳисобларди. Урушдан олдин анча кексايиб қолган шоир билан учрашганман. Унга шоирлар орзусидаги олий мукофот насиб этганди — халқимиз шеърларини ўзи ёзгандай қўшиқ қилиб қуйларди.

Билмадим, балки онам алла айтган дамба, балки эртақлар тинглаган вақтимда шеърият мени ўз хузурига чорлагандир? Ўн ёшларимда шеър ёза бошладим, мени қачон ашуг(бахши) дея қақирадиган бўлишди, тўйларга таклиф этишарди. Ўн етти ёшимда илк шеърим чоп қилинди (энди-ку биламан, машқларнинг эрта эълон қилиниши фойда келтирмайди, аксинча, фёъл-атворни бузади).

Аммо мен ўша вақтда ҳам, ундан кейин ҳам: “Мен — шоирман”, деган гапни айтган эмасман. Бу сўзлар замирида жуда юксак, жуда катта маъно бор. Шу боис устозим Твардовскийдан ибрат олган ҳолда: “Ҳеч қачон менинг шеъриятим, менинг ижодим демайман, менинг ишим дейман”.

Айтайлик, бажарган ишинг ўзингга ҳам, бошқаларга ҳам қувонч келтирмади. Айниқса, бу биринчи навбатда ижодкорларга тааллуқли бўлгани учун “ҳақиқий шоир, чинакам шоир” деган мақтовларни ҳеч тушуна олмайман. “Шоир” сўзига ортиқча аниқлик киритишга ҳожат йўқ: шоир ёки шоир эмас. Ижод қилишнинг муҳим жиҳатлари — вазифа, масъулият, албатта. Одамлар, замин, ҳозирги кун ва келажак олдидagi масъулият, буни ҳис қилмаган шоир шоир эмас.

Ўзим ҳақимда айтсам: дунёда мен бошқа ишни уддалай олмайман. Ҳақиқатан ҳам, адабиёт — менинг ҳаётим! Адабиётдаги вазифам ўқиб-ўрганишдан иборат, чунки ҳаракатдагина ҳаёт мужассам. Бу сўзларимда ҳеч қандай муболага йўқ.

Ўтган ва замондош, яхши ва ёмон муаллифларнинг шеър ва насридан ўрганаман (у томонни ҳам, бу томонни ҳам билиш фойдалли, шу боис кўпроқ ўқишга ҳаракат қиламан). Мусика тинглаб ўрганаман (аввало, Бетховендан, рақсларга тикилиб ўрганаман (Эл Греко, Врубель, Саряндан), улардан до-нишмандлик ва мардлик, безовталик ва некбинлик сабоқларини оламан.

... қувонч, нафрат ва шафқат
Бутун дунё яшар шоир қалбида.

Рус тилида биринчи ўқиган шеърим Пушкиннинг шеъри эди. Она тилимизга таржима қилган биринчи шеърим Лермонтовники эди. Фроннга кетиш олдин олган китобларим орасида Тютчевнинг китоби ҳам бор эди. “Евгений Онегин”, “Демон”, “Мцири”, умуман, ўн тўққизинчи асрда яратилган рус шеърияти дурдоналари рус халқи қалбининг ифодасидир. Жаҳон шеъриятига келсак, Петраккадан Лоркагача, Саъдийдан Есенингача инсоният виждони, қадри ва ташвишлари тўғрисида ёзишган. Қандай бўлса, шундай ифода этишган.

Мен шеъриятимиз романлардан, қиссалардан анча орқада қолиб кетди дегувчиларнинг гапларига қўшилмайман. Ажойиб ёзувчиларимиз — Айтматов, Абрамов, Астафьев, Биков, Гранин, Тендряков (атайин турли жанрдаги ёзувчиларнинг номларини айтаямман) яратган роман ва қиссалар қаторида шеъриятимизда ҳам яхши асарлар яратилди. Шеърият орқада қолиб кетиши мумкин эмас. Негаки, у ҳар доим давр одамлари қалбларининг тибранишлари ифодаси. Буни исботлашга ҳаракат қиламан. Табиийки, ўз ёзганларим мисо-



лида эмас, дўстларим, замондош ижодкорлар ёзганларини мисолида.

Расул Ҳамзатов кейинги йилларда ажойиб асарлар ёзди. Ёки Михаил Дудин, ёки Микола Бажан, ёки Зулфия, ёки Амо Сагинян, ёки Мустай Карим... Ираклий Абашидзе, Давид Қуғултиновнинг ёзганлари-чи? Ёки биз уларнинг илгари ёзган шеърларига қамлиё бўлиб, кейинги ёзган шеърларини ўқимаямизми? Рус шоирлари Владимир Соколов,

Қайсин ҚУЛИЕВ:

«ШЕЪРИЯТ— МЕНИНГ МАМЛАКАТИМ»

Анатолий Жигулин, Юнна Мориц-чи? Андрей Вознесенский ҳақида гапир-моқчиман (унга кўпам мактов сўзлари айтилмайди). Мен унинг шеъриятини яхши кўраман ва ҳар бир эълон қилинган шеърини ўқиб бораман. Унинг мураккаб жумлалар тизишдан ўзини тия олаётгани экани. Истардимки, у янада оддийроқ ёзсин, максадни ифодалайман, деб сўзлар оҳангига берилиб кетмасин, чунки бундай ҳолларда ўқувчи ва шеър мазмунни ўртасида қандайдир чегара пайдо бўлади. Менингча, у усто-зи Пастернакдан ўрнат олгани маъқул. Маълумки, Пастернак ижодининг сўнгги йилларида оддийликка, тиниқликка интилди ва бундай ёзишни эртароқ бошламаганидан афсусланганди.

Республикаларимизда рус ўқувчиларига маълум бўлмаган қанча шоирлар бор, ёки уларнинг ижоди кам нашр этиляпти, ёки таржималари ўхшамаган. Масалан, бизнинг Кабардин-Болқористондан Ибрагим Бобоев ва Зубер Тлағазитов (улар қир ёшини қоралаган авлод). Ишонч билан айта оламан, улар катта шоирлар, шеъриятнинг ажойиб намуналарини яратишди. Ёки Ўзбекистондан Абдулла Орипов.

Унинг шеърлари ҳам рус тилида кам эълон қилинган, аммо мен унинг ижодини бешиқдалиқ даврдан кузатиб келаман, чунки шеърларини она тилида ўқийман. У ажойиб шоир, бой ўзбек шеърияти анъаналарини давом эттира-япти. Айни вақтда Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Зулфия каби сўз сеҳрларларини тақрорламайди, ўзининг йўлини топан, ўзининг кашфиётларини яратган. Агар у дарахт ҳақида ёзса, бу дарахт Ориповники, агар қор ҳақида ёзса, бу қор Ориповники. Кўрамизки, унинг дарахти бошқа шоирларникига нисба-тан ўзгача гуллайди, қори эса ўзгача оппоқ. Инсоният дарди, қайғуси, шодлиги, муҳаббат — барчасига Абдулла Орипов ўзига хос ёндошади, ўзига хос рангларни топади. Дарвоқе, унинг ижодида истеъдодидан ташқари Дантенинг “Илохий комедия”сини ўзбекчага тар-жима қилганда орттирган тажрибаси, билими ва сўз танлашдаги талабчан-лигининг ҳам ўрни бор деб ўйлайман. Бундай асар таржимасига унча-мунча шоир журъат этолмайди.

Узр, республикаларимизда ижод қилаётган яна қанча шоирларни эсга

Мамлакатимиз халқлари тиллари-дан таржима қилинган асарлар сира-сига Н.Тихонов, Б.Пастернак, В.Звягинцева... ишларини намуна сифатида келтиришимиз мумкин. Таржима соҳаси-да А.Тарковский, Д.Самойлов, Е.Евтушенко, О.Чухонцев каби таниқ-ли шоирлар ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Мамнуният билан айтишни истайман, менга таржима борасида омад қулиб қолди, шеърлар-имни Н.Гребнев, Я.Козловский, Я.Хе-лемский, Ю.Нейман, Б.Ахмадулина, Я.Аким, Д.Долинский каби маҳорат-ли таржимонлар рус тилига ўтириш-ди. Исм-фамилиялари келтирилмаган таржимонларим мени маъзур тутсин. Аммо қанча пала-партишчилар, енгил-елпи жумла тузувчилар ҳам ўзла-рини таржимонлар қаторида санашади. Бу мени ташвишлантиради.

Мадавий-адабий алоқалар ҳар доим бўлган. Сиз исталган халқларни бир-бирига таққосланг, қулги ҳаммада шодлик-ни англатида, кўз ёш эса ғам-аламини. Ижодкор инсониятга ўз халқининг мил-лий қадриятларига хос янгича ранглар-ни, ташбҳларни, йўналишларни тақдим этади. Демак, таржимонга бирламчи талаб шуки, унинг истеъдодли бўлиши хали ҳаммаси эмас, аслиятдаги ҳар бир сўзга, ташбҳча, тимсолга, ғояга эътибор қаратиши керак. Яъни, “қалдирғоч уча-япти” жумласи таржимода “бургут пар-воз қилаяпти” бўлиб қолмасин.

Таржимага жиддий, масъулият ва теран мезонлар билан ёндашишимиз-нинг сабаби нимада? Зеро, бу халқнинг шаъни, тарихи, чеккан жабру жафоси ва эришган ғалабаси, мардлиги ва гуллаб яшнашига оид масала. Ахир, шеърият — халқ қалбининг нури. Бу нурни бошқа халқларга хира тортирмаздан ёрқин ҳолда етказиш лозим ва бу ҳақиқий бай-налмилаллик иши дейилади.

Таржимон аслият тилини билиши ке-ракми? Таржима ҳар жиҳатдан етук бў-лиши учун бу керак. Брюсов арман тили-ни ўрганди ва таржимонлик соҳасидаги хизматлари учун Арманистон халқ шои-ри унвонига сазовор бўлди. Аммо даври-мизнинг буюқ шоирларидан бири бўлган Блок эса Аветик Исаакян шеърларини сўзма-сўз тағламадан таржима қилди. Мен тағлама ва таржимани солиштириб чиқдим. Жуда яқин, ҳайратланарли дара-жада аниқ ифода қилинган.

Таржимага қўл урган киши ўзи тан-лаган шоир мансуб бўлган халқнинг тари-хи ва маданиятини билиши энг зарурий талаблардан бири. Менингча, шоир ва таржимон тийнатидagi ўх-шашлик, ўзини ўша муҳитга созлаши, ҳозирги тил билан айтганда, маслак ва туйғулардаги яқдиллиги муҳим аҳа-мий-ятга эга.

Ёшлигимда нашр эттириш учун эмас, буюқлардан ўрганиш учун Лер-монтов ва Пушкин, Есенин ва Твар-довский шеърларини болқор тилига ўтирганман. Театр учун Лопе де Вега-нинг “Кўзибулоқ”, В.Ивановнинг “Бро-непоезд 14-69” асарларини ўтириб берганман, “Отелло”га эса икки бор мурожаат қилганман. Ўзим севиб ўқий-диган Гарсия Лорканинг шеър ва дра-маларини таржима қилиб тураман. Яна замондошларим ва дўстларим ижоди-дан назарни қиламан. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб сизга шуни айтаман: тар-жимонлик шоирни камбағаллаштир-майди, аксинча бойитади.

Шеър — на олтин-зар,
на байрамги безак,
На тўкин дастурхон,
на хотиржамлик...

Санъатда сохталик кетмайди. Дей-дилар, одамнинг айтган сўзи ўзига ўх-шайди. Ишончим қомил, фақат йирик шахслар катта ишларга қодир, фақат йирик шахслар буюқ асарлар яратади. Биз шахс деганда кимни эътироф эти-шимиз керак? Шахс ўз нуктаи назарига эга ва уни химоя қила олади. Бу дегани баҳсларда панада ўтирмайди, ўз нуктаи назарини ёқлайди, ҳақ томонни қўлла-йди, химояга муҳтожга мадад бўлади.

Маънавий юксаклик ва шеърият асли бир нарсас. Агар одам ўзгалар дар-ди ва шодлигига бефарқ бўлса, нега у шоирликка даъво қилади? Нега бу огир вазифани зиммасига олмоқчи бўлади? Ахир, бу вазифа огир, бир умр елкада кўтариб юриш қийин.

Мен ўтган ижодкорларни авлиёга ўхшатишларига ёки улардан авлиёлик-ни талаб қилишларига қаршиман. Ле-кин шуни биламанки, шоирнинг қўли ва фикрлари тоза бўлиши шарт. Истеъ-додли бўлиб туғилишининг ўзи қияфэ эмас, бу тухфага масъулиятли ҳам бў-лиш керак.

Мен Қайсин Қулиевман, ёшим олт-мишдан ошди, шеърият остонасига қадам қўйишга чоғланаётган ёшларга мурожаат қилмоқчиман: олдин ўз ку-чингизни баҳоланг. Ўзгалар дарди ва қувончини зимангизга олишга тайёр-мисиз? Дунёнинг барча ташвишлари шоир юрагидан ўтади, деган ақидага тўла амал қилган ҳолда яшай оласиз-ми?

Алла ЛАСКИНА ёзиб олди.

Асрор МЎМИН таржимаси.

(“Литературная газета”нинг
1981 йил 26 август, 34-сонидан
қисқартириб олинди.)

Галерея:

Винсент Ван Гог (1853–1890) ижодидан намуналар



Кунгабоқарлар (1889).



Автопортрет (1889).



Мугулишдаги тунги кафе (1888).

ЁШЛАР ОВОЗИ

ЮРТЛИК МАДҲИ

ЮРТЛИК

Юртим, сени мадх этмоқ учун
Кўп бор қўлга қалам олдим мен.
Борлигингча қуйлашга кучим
Етмай, ҳар гал ожиз қолдим мен.



Юзлаб суйган, қуйган ошиқлар,
Ишқларини бўрттириб битдим.
Яратолдим минглаб қўшиқлар,
Мухаббатни тараннум этдим.

Аммо, юртим, сенинг ўзингга,
Биргина байт ёзолмай ёндим.
Қаролмайман, йўқ-йўқ, кўзингга,
Қошингга мен гуноҳга қолдим.

Ахир, бутун олам шаънини,
Мадх этсаю мисоли булбул.
Лекин мушфиқ онажонини,
Қуйлолмас, қандай фарзанд ул?!
Юртим, сени мадх этмоқ учун
Кўп бор қўлга қалам олдим мен.
Борлигингча қуйлашга кучим
Етмай, ҳар гал ожиз қолдим мен.

САМАРҚАНД

Қадим тоғлар тошида қайдсан,
Дунёлардай кўхна бир байтсан.
Чинорлардан баландроқ айтсан,
Афросиёб бўйи Самарқанд.

Чикса қирқдир, тушганда қирқ бир,
Дунёсида борми бундай сир?
Ўйлангилар ҳаётдек ахир,
Шоҳизинданг ўйи, Самарқанд.

Ерга сиғмай зехни шиддати,
Осмонлаган, осмон фикрати.
Юлдуз билан бўлган суҳбати,
Улуғбекнинг ўйи Самарқанд.

ОНАЖОНИМ

Томирингизда меҳр оқар қон ўрнида,
Фарзандингиз кўрасиз сиз жон ўрнида,
Сиз мен учун бутун ер-осмон ўрнида,
Онажоним, омон бўлинг, илойим-е,
Умрингизни узок қилсин Худойим-е.

Қулганимда чамандайин яшнайдиган,
Қўганимда хазондайин қашайдиган,
Бор умрини болам дея яшайдиган,
Онажоним, омон бўлинг, илойим-е,
Умрингизни узок қилсин Худойим-е.

Ҳар кунимда якка-ёлғиз парвонам сиз,
Бахтин бериб, дардим олар мардонам сиз,
Жаҳонлардан топиб бўлмас жаҳонам сиз,

ЁЗ

Севингдан жисмга сиғмаётган жон,
Тан ичра қушчадек питирлаётган.
Тоғни-да ларзага солиб юборган,
Тулпордек
Юрагим дупурлаётган.

Тандирнинг дамидай қизарган қуёш,
Қулчадек қизартган юзларимни-да.
Шодликдан шарқираб оқаётган ёш,
Шукронаси эрур кўзларимни-да.

О! Ошиқ етгандай муҳаббатига,
Етдимми оташин тафларингга, Ёз?
Шамсдай ёлқинланиб ҳароратингдан,
Барқ ураётгирман қафларингга, Ёз!

ОЗОДЛИК

Бешикка беласа бўзлайди гўдак,
Бешикдан ечса, хуш сўзлайди гўдак.
Ҳали англамасдан туриб ҳаётни,
Ажаб, озодликни кўзлайди гўдак.

Ҳалим МАЛИК,
Зомин семинари иштирокчиси

ИҚТИДОР ЭГАСИ

ДИЁРБЕКНИНГ ЮТУҒИ

Қадим Бухоро кўлаб буюқ санъаткорлар
юрти ҳисобланади. Ёш-
ларга санъат ва мусиқа
сирларини ҳозир ҳам ўр-
гатишга алоҳида эътибор
қаратилмоқда. Бу борада
Бухоро шаҳридаги Аҳмад
Ихтиёров номидаги 5-бо-
лалар мусиқа ва санъат
мактабининг ўз ўрни бор.
Бу даргоҳда тахсил ол-
ган кўлаб санъаткорлар
республикамиз вилоятла-
рида, туманларида ҳамда
пойтахт Тошкентда фао-
лият кўрсатиб келмоқда-
лар. Мактаб директори Ильшат
Хаялиев раҳбарлигидаги жамоа
ёшларга мусиқа сирларини
ўргатишда тинимсиз излан-
моқда, мактаб ўқувчилари
кўлаб тан-
ловларда совринли ўринларни
қўлга киритишмоқда.



санъаткор шу йил март ойида ўтказил-
ган «Евроосиё оҳанглари. Иқтидорли
болалар — 2021» халқаро кўрик-тан-
ловининг олий мукофоти — Гран-при
соҳиби бўлди.

Диёрбек шаҳар ва вилоят миқёсида
ўтаётган кўлаб байрам тадбирлари-
да иштирок этиб, ўзининг ижрочилик
маҳорати билан санъатсеварлар наза-
рига тушмоқда. Санъат оламини дадил
қадамлар билан кириб қалаётган Диёр-
бекка омад тилаб қоламиз.

Ўз мухбиримиз

“Guliston”, “Teatr” ва “Moziydan sado” журналлари бирлашган таҳририяти жа-
моаси “Guliston” журналининг бўлим мудирини ўқтам Мирзаёровга акаси
Икромжон ХАЙРУЛЛАЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

НАЪМ-И-Я АЛВРИ «МАҚОЛ»ЛАРИ

Иш иштаха очар,
Дангаса вакцинадан қочар.
Чумчуқ сўйса ҳам вакцина олган
сўйсин.
Башаранг қийишқ бўлса, вакцина-
дан ўпкалама.
Ит – вафо, вакцина – даво.
Вакцинаси йўқ кишининг, мазаси
йўқ ишининг.

БИР ЖУФТ ҲАНГОМА

“Малибу”ли қоидабузар аёлни ДАН ходими тўхтатди:
– Жарима ёзманг, бешта болам бор, бокишга қийналяпман...

ДАН ходими “Тесла”ни автопилотга қўйиб, орқа ўриндикда чак-
чақлашиб кетаётган эр-хотиннинг йўлини тўсди:
– Тез келяписиз, сизга жарима ёзман.
– Машина ўзи юрапти, – эътироз билдирди эркак. – Мен шопир
эмасман, жарима ёза олмайсиз.

ВАКЦИНА ОЛ

Доим соғ бўлай десанг,
Ўзинг ўз гаминг есанг,
Ҳеч касал бўлмай десанг,
Тез бориб вакцина ол!

Қулоқ солма миш-мишга,
Халақит берар ишга,
Аллоҳ йўллар ҳар ишга,
Тез бориб вакцина ол!

Ўзга чораси йўқдир,
Шундай деяпти дўхтир,
Шунда бу кўнгил тўқдир,
Тез бориб вакцина ол!

ТАРҒИБОТЧИЛАР

Тарғиботчи штати,
Берилди мактабларга.
Асли мақсади унинг
Қизиқтириш китобга.

Штатни эшитган чоғ,
Ура-ура бошланди.
Қоровулу фаррошлар,
Бу иш учун талашди.



Қариндош, ака-ука
Ўртага тушиб чопди.
Ҳокимият, “РайОНО”,
Чопганлар таниш топди.

Фаррошу қоровуллар,
Нимани тарғиб қилар.
Ўзвучию шоирлар,
Бу ҳолни қайдан билар.

Улоқни кўпқаридай,
Чавандоз олиб кетди.
Журналист, ижодкорлар,
Бир четда қолиб кетди.

Нуриддин ЯХЁ

Самарқанд



Ўзбекча мутлола – шоир Николай Ильин.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишланган асар

«ДОВОН ОШГАН ДОВЮРАКЛАР»

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
“Шухрат” медали соҳиби Барот Исроилнинг
шу номдаги китоби Қамчик довонидан ўт-
ган, Тошкент воҳаси билан Фарғона водий-
сини боғловчи автоўл ва темирўлнинг
тарихига бағишланади. Ушбу асар “Қўрин-
ган тоғнинг узоғи йўқ”, “Отангдан мол қол-
гунча, тол қолсин”, “Интилганга толе ёр”,
“Мен кўрган ва билган фидойи инсонлар”
сингари ўн беш бўлимдан иборат. Китобда ушбу йўллар қури-
лишида заҳмат чекиб ишлаган четсувлик бульдозерчи Мухтор
Норалиев, автогрейдерчи Аҳмад Курбонов, нўгайқўргонлик
Убайдулла Абдуллаев, эртошлик Аҳмадали Жўраев, ангрелик
Карим Эгамов, тошкентлик Пирмуҳаммад Бойматов каби йўл-
созлар ҳақида ҳикоя қилинади.



Шавалуд кунлар



Сарсенбай Байбосинов – 8 август
(1957) – рассом, Ўзбекистон Бадиий ака-
демияси ҳақиқий аъзоси, Қорақалпоғис-
тон халқ рассоми.



Ахмаджон Жабборов – 8 август (1925-
2018) – мусикашунос, Ўзбекистонда хиз-
мат кўрсатган санъат арбоби.



Ашурали Жўраев – 8 август (1956) –
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўр-
сатган журналист.



Акбар Ҳақимов – 9 август (1949) –
санъатшунос, Ўзбекистон Бадиий акаде-
мияси ҳақиқий аъзоси, санъатшунослик
фанлари доктори, профессор.



Мухаммаджон Мирзаев – 12 август
(1913-1999) – бастакор, созанда, Ўзбекис-
тон халқ артисти.



Музаффар Аҳмедов – 12 август (1956)
– шоир, таржимон, Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

МАЪНАВИЯТ АЛФТАРИ

Тўқсон беш фоиз одамлар дои-
мо ўзларига йўл-йўриқ кўрсатиб,
бошқариб турувчи раҳбарга муҳтож
бўладилар.

Арнольд ШВАРЦЕНЕГГЕР,
АҚШнинг Калифорния
штати собиқ губернатори,
машҳур актёр ва спортчи



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:



Бош

муҳаррир

Салим

АШУРОВ

Таҳририятга келган кўлхатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шухрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий
коммуникациялар агентлигида томонидан
0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1207. Буюртма Г - 744.
Ҳажми - 3 босма табоқ А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташиқлотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт- матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюқ Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топишириш вақти - 21.00.
Босишга топирилди - 23.00.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.



Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233- 57- 42 Санъат бўлими: 233- 56- 40 Назм ва наср бўлими: 233- 58- 60